



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 1 сентябрь № 185-186 (3460-3461) Чоршанба

## ОЗОД ЭЛНИНГ БУЮК БАЙРАМИ



### Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар! Бузун — юртимизда муборак айём, тарихий сана — Ўзбекистонимиз мустақилликка, истиқлолга эришган кун.

Сиз, азиз юртодошларимиз, сизларнинг сиймонизда гузал пойтахтимиз Тошкентда, шаҳар ва қишлоқларимизда бу қутлуғ айёмни нишонлаётган бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Азиз дўстларим, биродарларим! Бузун мустақил давлатимиз, озод мамлакатимиз яна бир ёшга улғаймоқда. Биз ўз олдимизга қўйган янги ҳаёт, демократик жамият қуришдек буюк мақсадимиз сари яна бир қадам қўйдик.

Биз бузун мана шу тарихан қисқа даврда босиб ўтган йўлимизни, бошимиздан кечирган синов ва ўта мураккаб куллари, хавфу хатар, қийинчилик ва машаққатларни, шу билан бирга, қўлга киритган ютуқ ва марраларимизни хаёлимиздан ўтказишимиз, сарҳисоб қилишимиз табиий, албатта.

Шу давр мобайнида шаҳар-қишлоқларимиз, азим пойтахтимиз, юртимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб бораётгани; Шарқ, Ғарб ва Жануб сари интишган коммуналчилар, автомобиль ва темир йўллари, йирик иншоотлар, одамларимизни иш билан тазминлайдиган янги, замонавий қорхоналар барпо этилгани;

тарихий-маданий, диний қадриятларимиз тиклангани, баркамол авлоднинг воёга етаётгани ва шу каби эртага тарихга кирадиган улкан дастур ва тадбирларимиз — буларнинг барчаси биз босиб ўтаётган йўлимиз, келажаги буюк давлатимизнинг асосий мезони ва амалий белеги, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бузун иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиётгани, халқимиз турмуш даражаси ортиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалиб бораётгани диёримизда яшаётган ҳар қайси инсонга мамнуният етказиши шубҳасиз.

Бундай ютуқлар негизда авваламбор халқимизнинг фидокорона меҳнати ва бунёдкорлик салоҳияти, одамларимизнинг онги ва тафаккури, ҳаётга муносабати ўзгараётгани, улар ўзини шу юртимиз ҳақиқий эгаси деб ҳис қилаётгани мужассам.

Шу борада юксак марраларга етиб боришимизнинг замирида ётган энг муҳим омилларни яна бир бор таъкидлаб ўтишни унгли деб биламан.

Бу — аввало, жамиятимизда сувадек, ҳаводек зарур бўлган ва халқимиз кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган тинчлик-осойишталик, ҳамжамиятлик ва тотувлик;

Бу — ҳар томонлама чуқур ўйланган, биринчи салда, халқимизнинг манфаатини кўзда тутиб, изчиллик ва қатъиятлик билан олиб бораётган сиёсий ва иқтисодий илоҳотларимиз.

Бу — узоқ ва яқин қўшниларимиз билан ҳамжамиятлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамроҳлик бўлиб яшаш ва унинг ҳаётида ўзимизга ҳос, ўзимизга мос ўрнини эгаллаб олишдек эзгу мақсадларимиз.

Вақт ўтиши, замон ўзгариши билан ҳар қандай ҳалие қузатувчиёна бир ҳақиқат аён бўлмоқдаки, биз ички ва ташқи сиёсатимизни амалга оширишда қимнингидир тазйиқ ёки амрига итоат қилиб, турли ўйинларга қўшилган эмасмиз ва доимо мустақил сиёсат олиб борганимиз.

Биз учун ягона ва устувор мақсад — бу Ўзбекистон манфаатидир.

Бузун ёруғ юз билан айтишга ҳаққимиз

борки, қанчалар қийин бўлмасин, биз бир кунлик ҳаёт билан яшаганимиз йўқ, келажак авлодимизнинг ризқи ва насибасига ҳиёнат қилганимиз йўқ.

Оллоҳнинг ўзи бизга инъом этган ер ости, ер усти бойликларимизни ўзлаштиришда, уллардан оқилона ва самарали фойдаланишда, давлатни идора қилиш, иқтисодиётимизни ташкил этишда биз, аввало, узоқ ва давомли мақсад-мудорабаримизни кўзлаб иш олиб бормоқдамиз.

Шу ўринда биргина мисолни айтиб ўтиш жоиз, деб биламан.

Биз 1997 йилда қабул қилган Қадрлар тайёрали миллий дастурини амалга ошириш учун талаб қилинадиган маблағлар ҳажми ҳар йили миллий бюджетимиз харажатининг қарийб ярмини ташкил қилмоқда. Лекин шунга қарамастан, биз кенг қўллаш, улғувор бу дастурни изчиллик билан ҳаётга жорий этишмоқдамиз.

Нега деганда, бу эл-юртимизнинг эртанги кун, равнақи ва тараққиёти, Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузини белгилаб берадиган том маънодаги тарихий қадамдир.

Шу йилдан амалга ошира бошлаган, беш йилга мўлжалланган умумтаълим мактабларини ривожлантириш дастури ҳам ана шундай улкан аҳамиятга эга бўлган шарафимиз қаторига кирди.

Ҳеч кимдан кам бўлмаган, бамисоли эркин қуш каби парвозга шай бўлиб турган, билади кучга тўлиб, салоҳияти юксалиб бораётган, умид-ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз бўлган навқирон авлодимизнинг майдонга чиқаётгани мана шу сиёсатимизнинг дастлабки нишонасидир.

Халқимизнинг фахри бўлган Рустам Қосимжонов каби ёшларимиз бу авлоднинг қалдирғочларидир ва уларнинг сафи тобора кенгайиб боришига мен қатъий ишонаман.

Азиз дўстлар! Ҳозирги мураккаб ва таълиқли замонда, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотикизм каби бало-қазолар инсоният ҳаётига таҳдид солиб турган бир шароитда мен ўз уйимиз, ўз муқаддас юртимизни ўзимиз асрайлик, ўзимиз ҳимоя қилайлик, деган давлат ҳар бир юртодошимизни доимо ҳушёрлик ва огоҳликка қорлаб туришини истар эдим.

Ўзбекистонимиз — она Ватанимизга нисбатан гаразли ният билан юрган қимсалар қулониға қўрғошундай қўйиб олсин. Биз кўзлаган орзу-мақсадларимизга албатта етамиз, эркин ва фаровон яшайдиган жамиятни, албатта, қурамиз ва бу йўлда бизга ҳеч ким тўсиқ бўлолмайд.

Бунинг учун барчамиз огоҳлик ва ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, бепарволик ва лоқайдликдан бутунлай ҳалос бўлиб, миллат ва халқ бирлигини янада мустаҳкамлаб, ўзаро аҳил, меҳр-оқибатли бўлиб яшашимиз ва тинчлик учун курашимиз керак.

Қадри ватандошларим! Орадан йиллар, асрлар ўтади. Шубҳа йўқки, мамлакатимиз ҳаётида янги-янги ўзгаришлар, шодийна ва қувончли кунлар кўп бўлади. Лекин халқимиз, миллатимиз тарихида Ватанимиз истиқлолга эришган мана шу кун энг улғу, энг азиз байрам бўлиб қолаверад.

Мен бузун шу юксак минбарда туриб, Ўзбекистоннинг оғирлиги, шаъну шавакатини ўз елкасида кўтариб келаётгани, барча ютуқларимизнинг жасдорли ва бунёдкорли билан заҳматкаш халқимизга тазвим қилмаман.

Барчангизни Истиқлол байрами, Озодлик айёми билан яна бир бор чин қалбимдан қўталайман.

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

### Мустақиллик майдонидан репортаж

Бу кун — энг улғу ва энг азиз байрамимиз нишонланадиган кун.

Бу кун — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўн уч йиллик қутлуғ тўйи.

Бу кун — мамлакатимиз тарихи зарварларига абадий муҳрланган унутилмас сана.

Бундан ўн уч йил аввал биз неча-неча аждодларимиз орзу қилган мустақилликка эришдик. Эркин ва озод тараққиёт йўлини танладик. Демократик тамойилларга, бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуришга бел боғладик.

Тарих мезонларидан қарайдиган бўлсак, ўн уч йил дегани бир зум, бир дақиқадек қисқа муддат. Аммо Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида янги ҳаёт пойдеворини қуриш йўлидаги мураккаб ва шарафли меҳнат билан ўтган бу даврнинг мазмун-моҳияти, шак-шубҳасиз, асрларга тенг.

Кундан-кун чирой очаётган қишлоқ ва шаҳарларимиз, "Ўзбекистонда тайёрланган" белгиси билан дунё бозорларини забт этаётган замонавий, рақобатбардош маҳсулотларимиз, истиқлолимизнинг иқтисодий асосини мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётган донимиз, пахтаимиз, олтинимиз, нефть ва газимиз, бошқа кўплаб бебаҳо неъматларимиз шундан далолатдир.

Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими, қишлоқ хўжалиги, саноат, илм-фан, соғлиқни сақлаш,

бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби фазилатлар ва юртодошларимизнинг эртанги кунга юксак ишончи бунга тўла тасдиқлайди.

Меҳр ва мурувват йилда мўтабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, бир-биримизга меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш, жамиятимизда ҳеч ким ёлғиз эмаслиги, ҳеч ким эътиборсиз, қаровсиз қолмаслиги каби халқимизнинг азалий фазилатларини қайта тиклаш, ривож топтириш борасида кўплаб амалий ишлар рўёбога чиқмоқда.

Йил охирида ўтказилган сайловлар мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантиришга қаратилганлиги билан ўта муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тарихимизда қолажак.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг нуносиби ўрнига эга экани, янги жамият қуриш йўлида олиб



раётганида ҳам қўриш мумкин. Биргина мисол. Жорий йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларнинг сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилганида Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, ушбу ташкилотнинг минтақавий Аксилтеррос тўзимаси ижроия қўмитаси Тошкентда иш бошлагани турли бало-қазоларга қарши курашда ҳамкорликни изчил кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни яна бир амалий натижа билан бойитди...

Тошкент шаҳри, 31 август. Ватанимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдони ҳар галгидан гўзал, салобатли.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, Ўзбекистон Қаттагонлари, фан, маданият ва санъат намояндлари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хоржий давлатлар элчи-хоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф бу-юрганлар.

Соат 19.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар Юртбошимизни қарсақлар билан қўтиб оладилар.

Чорлов мусикаси байрам шодийнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислам Каримов минбарга тақлиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўн уч йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янгради. Миллий байрамимиз тантаналарини эликдан ортиқ мамлакат аҳли бевосита томоша қилади. Интернет тармоғи орқали у жаҳоннинг энг чекка нуқталаригача кириб боради. Ҳа, бу кун Ўзбекистон мадҳияси дунё бўйлаб жарангламоқда — тилимизнинг гўзаллигидан, мусиқий таъбиимизнинг инжалигидан, Ўзбекистон саҳоватидан, тантлигидан, эрк-сева ва неқбин табиатидан

Бунинг тасдиғини жаҳонро нуфузимиз ортиб бо-

(Давоми 2-бетда).



ижтимоий муҳофаза, таълим, маданият, спорт каби соҳаларда узоқ мўлқали давлат дастурлари асосида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар бунинг белгисидир.

Ҳаётимизнинг барча жаб-халарида, одамлар қалбиди, онгу шуурида намоеён

бораётган ҳаётбахш илоҳотларни, яратувчиллик меҳнати, демократик ўзгаришлар йўлидаги собитқадамлиги, мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборини қозонмоқда.

Бунинг тасдиғини жаҳонро нуфузимиз ортиб бо-

## ШАҲИДЛАР ЁДИ — МАНГУ

Мустақиллик йилларида миллий маънавий меросимизнинг қадр топиши билан бирга Ватан истиқлоли йўлида шахид кетган қатагон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши улкан хайрли амаллардан бири бўлди.

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи улғура кўрсатилган эҳтиромнинг ёркин намунаси. Бугун, халқимиз истиқлол байрамини нишонлаётган кунларда бу маскан зиёратчилар билан гавжум. Бинобарин, замонадошларимизнинг бугунги тинчлик ва осудалиқнинг қадрига етишида, ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка интилиб яшашларида бундай та-

барруқ қадамжоларнинг аҳамияти бекибс.

31 август тонгида "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи янада гавжум бўлди. Энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида шахид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш, нафақат ўтмишимиз, балки бугунги ёруғ кунларимизни ҳам янада тараққотроқроқ англаш имконини беради. Истиқлол аталмиш буюк неъматни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, келажак авлодларга озод ва обод ватан

қолдириш барчамизнинг шарафли бурчимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини муносабати билан пойтахтимиздаги "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди. Бу ерда Юртбошимиз жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашиб, ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

(Давоми 2-бетда).

### САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари, Мамлакатингиз мустақилликка эришганлигининг 13 йиллиги муносабати билан шахсан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига йўллаётган қутловларимни қабул қилгайсиз. Утган 13 йил мобайнида халқларимиз ўзаро яқин ва мустаҳкам ҳамкорлик асосини яратдилар. Америка Қўшма Штатлари хавфсизлиқни мустаҳкамлаш, равнақ, тараққиёт ва озодлик ишида бундан буюн ҳам Ўзбекистон халқи ва ҳукумати билан бирга бўлиш ниятидадир.

Терроризмга қарши курашда Ўзбекистоннинг ўрни гоёта муҳим бўлиб қолмоқда. Биз бу йил мамлакатингизни ларзага солган портлашларни қоралаймиз. Нишонга олинган объектлар орасида бизнинг элчиҳонамиз ҳам бўлганлиги терроризмга қарши курашдаги муштараклигимизни тасдиқлайди.

Келажакда халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун аввалгидек муваффақиятли баҳам-жиҳат ҳаракатимиздан наф қўра олишимизга ишонаман.

Самимий эҳтиром ила,

ЖОРЖ БУШ, Америка Қўшма Штатлари Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига чин юракдан қутловлар ҳамда шахсан Сизга бахт-саодат ва мамлакатингиз халқига равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни йўллаш менга гоёта катта мамнуният башари этиди.

АКИХИТО, Япония Императори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари, Ўзбекистон Республикасининг давлат байрами — Мустақиллик кунини муносабати билан қутловларимни қабул қилгайсиз.

Давлатингиз суверенитети эълон қилинган сана леги муносабати билан маъсулиятли ва мураккаб лавозимингизда Сизга қўлдан-қўп муваффақиятлар тилайман.

Чехия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан буюн ҳам шериклик, ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик руҳида ривожланиб бораверишига ишонаман.

ВАЦЛАВ КЛАУС, Чехия Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрами муносабати билан Польша халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ҳамда бутун Ўзбекистон халқига самимий қутловлар ва эзгу тилақлар йўллаймиз.

Ишончлиқ билан, замонавий демократик давлатни барпо этишдаги изчиллик Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ўсишига қўмақлашди, бу эса ўз навбатида кейинги йилларда янгича жўшқинлик касб этган Польша — Ўзбекистон муносабатларини янада ривожлантиради. Сизни ишонтириб айтманки, Польша мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бундан буюн ҳам мустаҳкамланишидан доимо манфаатдордир.

Шахсий ҳаётингизда омонлик ҳамда Ватан манфаатлари йўлидаги маъсулиятли хизматингизни бажаришда қўлдан-қўп муваффақиятлар тилаб билдирган эзгу истакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Қамоли эҳтиром ила,

АЛЕКСАНДЕР КВАСЬНЕВСКИ, Польша Республикаси Президенти.



# ОЗОД ЭЛНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

## Мустақиллик майдонидан репортаж

(Давоми. Боши 1-бетда).

бани башарни воқиф этмоқда. Қаршимиздаги нурли паннода Ўзбекистон Давлат байроғи мавжланади. Хумо — элу юртимиз бошига қўнган бахт куши қанотларини ростлаб, тинч ва мусофво Ватан осмони узра парвозга шайланаётганда. Саҳнанинг икки четида "1991-2004" рақамлари нур сочади.

"Ватан — ягона дир, Ватан — битта дир". Майдон узра таралаётган қўшиқнинг маъноси теран, таъсири чексиз. Уни тинглаш асосида қалбимизда миллий гурур, миллий ифтихор туйғулари жўш уради. Амфитеатр сахнасининг икки ёнидаги йирик экранларда акс этган ёрқин лавҳалар Ватан манзаралари, мустақиллик йиллари, хусусан, сўнгги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишларимиз, турли соҳалардаги хайрли юмушларимиз ҳақида ҳикоя қилади.

Мустақиллик байрами арафасида турли йирик ва муҳим корхоналарнинг юрт тўйига тўйна сифатида ишга туширилиши аянчага айланган. Байрам олдидан ишга тушган еттига йирик қўшма корхона наикни пойтахтимиз ёки вилоятлар марказларида, балки юртимизнинг чекка худудларида барпо этилгани, яъни замонавий ишлаб чиқариш саноатининг туманларга, қишлоқларга томон кенгайиш бошлагани эътиборга молиқдир.

АҚШ, Германия, Туркия компаниялари билан ҳамкорликда Қашқадарь вилоятида ишга туширилган "Як-каботекс" қўшма корхонаси йилга 3 минг тонна ип-калавая ишлаб чиқариш қувватига эга. Хоразм вилоятидаги "Шовотекс" қўшма корхонаси бир йилда 3,36 миллион донна трикотаж махсулоти, "Боготекс" қўшма корхонаси йилга 4,35 минг тонна ип-калавая, 1,44 минг тонна мовут, 2,7 миллион метр ипагазлама ишлаб чиқаради. Наманган вилоятининг Шаханд қишлоғида ишга тушган "Ас-Шохтекст" қўшма корхонаси йилга 2,1 минг тонна калава, Сирдарё вилоятида янги иш бошлаган "Лопа модел" қўшма корхонаси 6 миллион донна трикотаж махсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга. Тошкент шаҳрида иш бошлаган "Шахқ модел" қўшма корхонасининг йиллик қуввати 7,2 миллион донна, "Сабготексти" қўшма корхонасиники эса 1,8 миллион донна трикотаж махсулоти ишлаб чиқариш имконини беради.

Мамлакатимиз иқтисодий диннинг қор томири — темир йўл тармоқларини кенгайтириш, коммуниқация соҳасига илгор технологияларни жорий этиш борасида ҳам фол салмоқли ютуқлар кўлга киритилмоқда. Жорий йилнинг март ойида Амударё узра поезд ва автомобиль қатнайдиган йирик кўприк бунёд этилди. Хозир 681 метрлик ушбу



кўприкдан ҳар куни ўнлаб поездлар, минглаб автомобиллар ўтиб турибди. Август ойида "Тошғузар-Бойсун-Кумкўрган" йўналишидаги темир йўлнинг дастлабки навбатии ишга туширилиши туфайли арзонлиги, хавфсизлиги ва қулайлиги билан алоҳида аҳамиятга эга ушбу транспорт тармоғининг халқ ҳужалигидаги ўрни янада юксалди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам ислохотлар изчил бормоқда. Хусусан, фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Хозирги кўнда юртимизда 100 мингдан зиёд фермер ҳўжалиги мавжуд бўлиб, экин майдонларининг ярмига яқини уларнинг ихтиёрида. Фермер ҳўжалиқларида 713 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Бундай ҳўжалиқларнинг пахта этиштиришдаги улуғлиги қарийб 40 фоизга, гул-чилиқда эса 42 фоизга етди.

Карнай-сурнай, доира садолари янграйди. Карвон қўнироғининг майин оҳанги, чанқовуз садоси, най навоси бир-бири билан ўрин алмашади. Буюк Ипақ йўлида жойлашган қадимий ўлкамиз санъатининг турфа кирралари намойи бўлади.

Аждодларимиз асрлар давомида яратган бекиёс маънавий ва маърифий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва ривожлантириш баробарида, шавкатли ота-боболаримизнинг номини ёд, руҳини шод, хотирасини обод этиш ҳам мустақиллик берган эзгу имкониятлардир.

Жорий йилда ҳўкумати-миз қарорига мувофиқ буюк сиёмолатимиздан бири Хожа Аҳор Валидин 600 йиллик тўйи кенг нишонланди.

Нурли паннода қадимий обидаларимиз, табаруқ қадамжоларимиз, истиклол йўлида жонини фидо этган буюк миллатдошларимиз сиёмолати акс этди. Номини унутмайлаганимиз улуғ аждодларимиз тарихи фахат истиклол шарофати ила тикланди, қадр топди. Ота-бобо-

сини, ўзининг азизларини унутмаган элдан баракка кўтарилмайдими. Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг "Шохи Зинда ёдгорлик мажмуисида қайта тиклаш ва ободлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори халқимиз дилидага гап бўлди. Зеро, бундай масканлари обод этиш аждодлар ва авлодлар олдига ҳам қара, ҳам фарзидир...

Мумтоз қўшиқлардан шўх лапарлар, айтишувларга гал етди. Турфа оҳанглар, хилма-хил либослар, дилтортар қуй-қўшиқлар тимсолида мамлакатимизнинг ранг-баранг санъати бор сеҳрсаноати, меҳр-таровати билан дилларни яйратадиган, кўзларини қувватлади.

Саҳнада юз-кўздан меҳр ва шўроналик балқиб турган Она намойи бўлади. У "Элим деб, юртим деб ушунини, болам", дея ўз ифтихорларини — Истиклол фарзандларини алқайди.

Мустақиллигимизни мустақиллаш, амалга ошираётган ҳаётбахш ислохотларимиз замонадорлигини таъминлаш, миллий аянча ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ишларида хотин-қизларимизнинг улуғлиги тобора ортиб бораётган. Ойлада тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, ҳаёт ташвишларини сабр-тоқат билан эла этиш, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, жамиятимизда амалга оширилаётган тўв узғариши ва янгиликлар жараёнида юртимиз аёлларининг алоҳида ўрни ва маъқеи бор.

Президентимизнинг шу йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшиқча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу Фармон ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилган қарори хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини аёллар манфаатла-

рининг амалдаги ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячиси, биз барпо этаётган эркин фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисmini айлантиришга қаратилган.

Даврага болалар чиқиб келадилар... Фарзандларимиз етук инсонлар этиб воғга етказиш, уларнинг бахти ва қамолоти учун ҳеч нарсаий аямаслик давлатимиз ва халқимизнинг устувор вазифасидир. Шунинг учун давлатимизнинг аҳолисини тарбиялаш ва авлодлар олдига ҳам қара, ҳам фарзидир...

Болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган юмушлар, аслида, мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли хайрли ишларимизнинг таркибий қисмидир. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дустурига мувофиқ, 2004-2009 йилларда жойларда янги қуриладиган мактабларда 325 та, шу жумладан, қишлоқ жойларида 300 та, капитал реконструкция қилинадиган 2 минг 313 та мактабнинг 1 минг 431 тасида спорт заллари қурилиши режалаштирилган. Бу ишларнинг барчаси — Ватан келажига эътибор, миллат истиклолига ғамхўрлик, демократия.

Кўвнок ва сергайрат ўғил-қизларимиз ўзларининг бахтли болаликнинг мадҳ этуви қўшиқлари, шўх-хандон рақслари билан қалбларимизда умид ва ишонч уйғотди. Мустақил Ватанимизнинг навқирон фарзандлари, иқтидорли ёшлар — хал-

қаро олимпиада ва халқаро мусобақалар голиблари байрам иштирокчиларига эҳтиром кўрсатадилар.

Истиклол йилларида юксалиб бораётган кўн-қудратимиз, салохиятимиз дунё спорт майдонига қўйётган, жаҳон жамоатчилигини ҳайратда қолдираётган қадимларимизда ҳам намойиш бўлмоқда. 24 ёшида шахмат бўйича жаҳон чемпиони-тожини қийиб, ўз билими ва иқтидори билан баъшариятни лол қолдирган, миллатимизнинг довуғини яна бир бор дунёга ёйган ҳамюртимиз Рустам Қосимжоннинг милсисиз ғалабаси бунини тўла тасдиқлаб турибди.

Бундай зафарларни кўлга киритишда миллат ва халқни бирлаштирадиган, мамлакатни дунёга машҳур этадиган спорт соҳасига эътиборнинг тўвдан узғаргани, баркамол авлод тарбияси йўлидаги узоқни кўзлаб амалга оширилаётган улкан ишларимиз мустақим пойдевор бўлиб қизиб келтирилган шўбхасидир. Умиди ёшлар — жаҳон спорт майдонларида Ватанимиз оубр-эътиборини юксалтириш йўлида жонбозлик кўрсатаётган Рустам Қосимжон, Ирода Тўлағанова, Миржаъло Қосимов, Дилшод Мансуров, Муҳаммадқодир Абдуллаев каби спортчимиз йўлчилари билан ҳар қанча фарҳанслар арзийди.

Спортчилар ёш авлоднинг жоманан ва маънан балогат сари элтуви "Баркамол авлод", "Умид ниҳоллари" ва "Универсиада" мусобақаларининг тўв мазмун-моҳиятини бадиий талқин этишга интиладиган. Яна бир неча кўндан кейин Самарқанда бошланадиган "Универсиада-2004" мусобақалари очилишида ёқилдаган машаълага олов қўтариб Паркент Самарқанд оралигини 400 километрдан зиёд масофани босиб ўтаётган навқирон спортчиларимиз тивсалларни кўз ўнгимизда тавсаладими.

Афинада ўтган Олимпиадада Ўзбекистон шарафини

юксалтиришда жасорат кўрсатган ватандошларимиз саҳнага кўтарилдилар. Икки юздан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этган ушбу нуфузли мусобақаларда олтин медал совиндорли бўлган чемпионларимиз — Александр Доктуришвили ва Артур Таймазов, кумуш медал соҳибни — Магомед Иброҳимов, бронза медал соҳибларимиз — Баҳодир Султонов ҳамда Уткирбек Хайдаровни, ушбу гоёт нуфузли спорт мусобақаларида қатнашган бошқа олимпиадачиларимизни байрам аҳли олқишлайдилар.

Майдон узра харбий музика садолари янграйди. Саҳнага сафма-саф, шаҳдам қадамлар билан Ватан посбонлари кириб келадилар.

Юртбошимиз қайд этганидек, биз ўз тарихимизда ҳеч қачон, ҳеч қанга ҳасад, ёвуз ният билан қараган эмасмиз ва бошқалардан ҳам шунини талаб қилишга ҳақлимиз. Афсуски, инсоният юксак орзу-умидлар билан қадам қўйган янги — XXI асрда ҳам халқаро террорчилик балоси дунёнинг турли жойларида ўз ёвуз қиёфасини бот-бот намойиш этмоқда. Ҳа, бугун но-тинч ва таҳликал бир замонда яшаймиш.

Бундай вазият барчамизни доимо оғоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишга, тез ўзгариб бораётган замон билан ҳамохан ҳолда узоқни кўзлаб яшашга, Ўзбекистони-мизнинг куч-қудратини мустақамлашга, унинг учун фидойилик кўрсатишга чорламоқда.

Ёшларни харбий хизматга, харбий ўқув юрталарига қўзғатаётган Ўзбек оилалари акс этган лаҳза тивсолида халқимизнинг энг ишончли таяничи ва сўнчи, фархи ва ифтихори бўлиш миллий армиямиз сафларини мустақамлаш давлатимиз ва жамиятимиз, Ватанимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчига айланган таранум этилади.

Опера ва балет санъати вакиллари, замонавий ўзбек эстрадаси намояндлари ўз қишларига миллатимизни, халқимизни улғуландирилган мустақиллигимизни, озода ва обод Ватанимизни мадҳ этадилар.


Ажиб оқшомнинг ана шундай шўхули лаҳзаларида бамисоли қалбимизга сийма гулпиратган қувонч ва шодлик тўғнларидек ранго-ранг мушаклар порлайди. Кўзка оловли хайратлар сочган мушакларда, тивгинсиз туйғулар қалқан юракларда, севиш ёғдулари порлаган қароқларда бир тилак юлдүздек жылваланади.

Истиклолнинг муборак бўлиши, она халқим, жонажон Ватаним!

Гулом МИРЗО,  
Ўза шарҳловчиси.  
СУРАТЛАРДА: тантанадан  
лаҳзалар.  
Абдувоҳид ТўРАЕВ  
олган суратлар.

## Дилдаги гаплар

Ҳар бир мамлакатнинг, миллатнинг ўзига хос аънаналари, тантаналари бор. Лекин бу шодиёналарнинг энг улуғи, шўбхасиз, юрт шодиёнасидир. Мамлакатимиз мустақилликка эришганлигининг 13 йиллигини нишонладик. Шундай пайтда орта қайрилиб, босиб ўтган йўлга баҳо бераётган, бундан кейин нималар қилишим керак, деган одамлар орамизда кўп. Ва ўз навбатида, айтиш керакки, бундай мулоҳаза юритишга ҳам истиқлол имкон берди. Биз айрим юртдошларимизга: "Сиз мустақилликни қандай тушунасиз?" деган савол билан муурожаат қилганимизда, улар шундай дейишди:



## Имконият даври, ишлаш фурсати

Пўлатжон СОВТОВДИЕВ, катта лейтенант, Андихон шаҳри:

— Юртимизда энг улуғ, энг азиз байрам арафасида Буюк Британия Кириллик харбий академиясини муваффақиятли тугатиб келдим. Харбий бўлиш мен учун энг катта орзу эди. Эндикда, Президентимиз, Қурултай Кучлар Олий Бош қўмондонни Ислам Каримовнинг ташаббуси боис харбийларга бўлган эътибор тўвдан ўзгариб, уларнинг юксак билим ва маҳорати, интеллектуал салоҳияти ўса бошлади. Агар истиқлол бўлмаганда мен харбийлар орзу қиладиган бундай нуфузли даргоҳда ўқий олмадим. Агар юртимиз мустақил бўлмаганда, мен Буюк Британия Кириллик харбий академиясидан энг илгор чет эллик тингловчи учун таъсис этилган олий муқофот — "Шараф шамири" билан тақдирланмасдим.

Чирчиқ шаҳридаги олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўқидим. Шу ерда орттирган билим ва тажрибам туфайли бир неча бор Швейцария, Германия, Польша каби хоржий мамлакатларда амалий машғулотларда қатнашдим.

Юртимизда профессионал армияга эришиш учун улкан эъий- ҳаракатлар олиб борилапти. Бунда албатта йигитларимизнинг жисмоний ва маънавий салоҳияти энг муҳим жиҳатдир. Айтишим мумкинки, мустақиллик биз — харбийлар учун Юртин севизи, унга муносив ўтлон бўлиш тўйғусини берди...

Ислам ҚОРАЕВ, тадбиркор, Самарқанд вилояти:

— Мен мустақиллигимизни, энг аввало, оқибат, қадрият деб тушунаман. Чунки истиқлол боис ўзлигимизга қайдик, азалий қадриятларимиз тикланди. Урф-одатларимиз қайта қадр топди.

Болаларимиз Уругт тоғлари эткаларида ўтган. Тўпхона деган жойимиз бор. Уша ерда базм бўлиши одатга айланганди. Биз Наврўз байрамининг интиқил билан кутарибди. Аммо биз, болакайларнинг умидимиз кўпинча чиппақка чиқарди. Чунки узоқ йиллар мобайнида бундай миллий байрамларимизни очик-ойдин нишонлашга кенг йўл берилмади, таққилаб қўйилди. Мустақилликка эришганимиздан кейингина азалий шодиёналаримизни хуш ҳандонлик билан кутиб оляяимиз. Бундай улмас аънаналар қадрланган юртда хорлик, зорлик бўлмайдими, иншооллоқ.

Мен мустақилликни ишлаш учун катта имконият ҳам деб биланам. Бугунги кўнда ишлайман, яратаман, ҳаракат қиламан, деган одамнинг ишида унум, толганда барака бўлади. Тадбиркорликка кенг йўл очилди. Ҳалол топан пули эвазига ўзгаларга нафи тегаётган, эзгу ният қилаётган одамлар кўпайиб бормоқда. Уларга ҳавас қилишимиз керак. Дунёга йўл очилди. Ўзбекистон билан ҳамкорлик қиламан, деганлар ҳар бир мамлакатда топлади. Мисол ўрнида ўз фаолиятимдан келиб чиқиб айтганда бўлсам, бундан икки йил аввал Уругт шаҳри яқинидаги нураб қолган бинони сотиб олиб, қайта таъмирладик ва турлар билан ҳамкорликда гилам тўқиш цехини ишга туширдик. Юзга яқин ёшлар иш билан таъминланди. Худого шукур, ишимиз ёмон эмас. Хали режаларимиз кўп. Энг муҳими, бундай режаларни тузаётган ишбилармонлар сони тобора кўпаймоқда. Уларнинг мақсади эзгу. Бировга нафим тегсин, дейди. Яхшиликка йўналтирилган бундай ишлар амалга ошмоғи учун эса юртимиз тинч, истиқлолимиз абадий бўлсин!

Бахтиёр ТўРАЕВ, спорт устаси, миллий кураш бўйича мураббий, Қашқадарь вилояти:

Мен болаларимдан спортга қизиққанман. Успиринлигимдан кураш билан шуғулланганман. Айни кўчга тўлган пайтда тўйларда, базмларда манаман деган полвонлар билан кураш тушганман, олқиш олганман. Лекин ҳеч қачон спортга, жисмоний тарбияга бунчалик эътиборни қўрмаганман. Энди орта қараб, ўзимча шунини ўйлайманки, агар ўша пайтлари бугунгидай эътибор бўлганда, мен жаҳон чемпиони бўлардим, олис ўлкаларда юртимиз байроғини кўтарардим...

Хозирги ёшларга, спортчиларга ҳавасим келади. Айниқса, болалар спортга шунчалик эътибордан бош имсонга етди. Хозир олдими болалар келади. «Устоз, бизга кураш тушишини ўргатинг, биз ҳам полвон бўлайлик, чемпион бўлайлик», дейишади. Бола беғубор, самимий бўлади, дилида не кечса яширмайди. Болалар ўзларига бўлган эътибордан қўнгли кўтарилибди, уларнинг қалбида спортга муҳаббат туғилган. Энди уларнинг орзулари рўбга чиқишига биз кўмаклашсак, умид қиламизки, ҳадемай, уларнинг орасидан минглаб спортчилар етишиб чиқади.

Ўзбекистонимизнинг ўн учинчи муборак тўйини ўтказди. Мен бу байрамни инсонга бўлган эътибор, келажак олдиди юксак масъулият шодиёнаси, деб тушунаман...

Ҳа, қаердаки қанча кўп янги ният қилинса, шу ерда шунчалик эзгу ишлар амалга оширилади. Қаердаки янгиликлар, ўзгаришлар рўй берапти экан, демак, бунда интилиш, эртанги кўнга ишонч бор. Шу маънода иккиланмай айтиш мумкинки, юртимизда бундан кейин ҳам яхшиликлар бўлаверади, эзгу ишлар кўпаяверади. Зеро, бундай дейишимизнинг боиси ён-атрофимиздаги ижобий ўзгаришлар, одамларимизнинг дилидаги гапларидир...

Мақсууд ЖОНИХОНОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.

## ШАҲИДЛАР ЁДИ — МАНГУ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хар бир мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг унинг олдиди қўндан-кўн муҳим ҳаётий масалалар пайдо бўлади, деди давлатимиз раҳбари. Мустақиллик тузи даврида зулм ва таъовуз, қатагон қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотира-сига бағишлаб маъмур ёдгорлик мажмуасини барпо этганимиз халқимизнинг дилидаги иш бўлди. Бугунги кўнгул қўнларга эришимизга ўзининг муносив хиссасини қўшган инсонлар хотирасини ёзозлаш доимий эзгу амалларимиздан бўлмоғи лозим. Эл-юрт озодлиги йўлида қўн бор бўлган аждодларимиз ёдини ҳаммиса эсда тутмоғимиз даркор.

Истибодда жафосини бошидан ўтказган киши мустақиллик қадрини, бу арғу қўнлар шўқуқини, айниқса, теран англайди.

Аждодлар хотирасига ҳўрмат баҳо этиш хар бир инсон учун фарз, деди Ислам Каримов. Бугунгидек қўнлуғ қўнларда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуғига келиб, қатагон қурбонларини зиёрат этиш киши руҳини поқлайди. Айни пайтда, шу зиёратгоҳ тивсолида инсон фалак гардиши қандай айланмасин, барибир адолатнинг қарор топиши, эзғуликнинг абадийлигига ишонч ҳосил қилади. Шу сабабли биз катта маънавий, тарбиявий аҳамиятга эга бундай савобли ишларимизни изчил давом эттиришимиз керак.

XX аср бошида халқимиз, миллатимиз орасидан етишиб чиққан маърифатарвар аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва маънавий жасоратини кўз олдимида келтириб, улар-

нинг иззат-ҳўрматини жойига қўйиш ҳақида кўп ўйлайман. Бу ҳаракатнинг кўзга қўнган намояндлари бўлиш Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Қўлпон, Қодирий, Боту, Эл-бек каби болаларимизнинг номлари, уларнинг шу замин, шу Ватан келажигини ўйлаб амалга оширган эзгу ишлари улар орзу қилган истиқлол йилларида юзага чиқди, деди Юртбошимиз.

Бу фидойи инсонлар мустамлака тузум, зулм ва зўравонлик ҳўқирон бўлган ўта оғир ва мураккаб замонда яшаб, таъқиб ва тазийқларга қарамаганда, ўз маблаглари ҳисобидан янгина мақтаблар, театр ва кўтубхоналар очгани, газета ва журналлар ташкил қилгани, дарслик ва китоблар нашр этгани, бир сўз билан айтганда, эл-юрт ўртасида маърифат зиёсини сочгани тарихдан яхши маълум.

Қанчалик қийин, қанчалик машаққатли бўлмасин, улар илм-маърифат билан халқни ўйғотиш, унинг қўнги-га ҳақиқатни очиб бериш, ўзининг инглишини ўзлари учун муқаддас бурч деб билган, бошига оғир қўнлар тушганида ҳам ўз эътиқодида содиқ қолган.

Миллий озодлик, миллий уйғорниш гоёси жадидаларнинг буюк, муқаддас орзуси бўлган. Шунинг учун ҳам биз уларнинг номлари ва қолдирган мероси билан фахрланамиз. Жамиятини жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш, тафаккур ва салохиятини юксалтириш ҳақидаги қарар ва даъватларини доимо қадрлаймиз.

Мустақиллик йилларида бу улғу зотларнинг хотирасини тиклаш, ҳўр-

матини жойига қўйиш борасида қўнгина хайрли ишларни амалга оширидик, деб таъқидлади Юртбошимиз. Бугунги кўнда қўнлаб қўнча ва мактаблар, маданият ва маърифат масканлари уларнинг номлари билан аталмоқда, илмий-ижодий мероси тикланмоқда ва кенг ўрганилмоқда.

Лекин бу борада қилишимиз зарур бўлган ишларимиз ҳам оз эмас. Шуларни инобатга олиб, қатагон қурбони бўлган болаларимизга эҳтиром сифатида мана шу зиёратгоҳи уларнинг фидойилигини, жасоратини ифодалаш мақсадида ёдгорлик ўрнатсак, унинг пойига истибод қурбонига айланган ватандошларимизнинг исм-шарифини ёзсак, ўйлайманки, уларнинг руҳини янада шод этган бўламиз, деди Президент Ислам Каримов. Аждодларимизнинг мустақам иродаси, эътиқоди, мардлиги бу мажмуғга ташриф буюрган зиёратчиларга, хусусан, ёшларга сабоқ ва ибрат вазифасини ўтайди, уларнинг дилидан озодлик туйғулари мустақам жой олишига хизмат қилади.

Юртбошимиз билдирган тақиф йиғилганлар томонидан қизгин маълумланди.

Кези келганда яна бир мулоҳаза ин жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш ўринли бўлади. Шаҳид дейилганда ватанини ёвдан ҳимоялаш, истибоддан қангалдан қутқариш, уни озода ва обод қўриш учун жонини фидо қилган мард ва жасур инсонлар кўз ўнгимизда намойи бўлади. Тинч ва осузда замонда ўзига ва атрофидоғларга, муқташам иншоотлар, моддий ва маънавий қадрият-

ларга ўт қўйиб, ўзини портлатганларни шахид, деб бўлмайди. Одамлар қалбига қўнқув ва ваҳима солиб, беғуноҳ кишилар қонининг тўқилишига, қўнлаб оилаларнинг ҳаловатини ўғирлаб, қайғуга солишга сабабчи бўладиганлар ватан, миллат хонларидир. Аллоҳнинг иродасига қарши бориб, ўзи ва ўзгалар умрига зомин бўлганлар ҳаммиса халқ ғазабига маҳкумдир.

Ўзлигини англамаган, муҳим ҳаётий ҳақиқатларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмаган халқнинг келажиги йўқ. Шунинг учун бугунги авлод, айниқса, ёшлар оқни қорандан, яхшини ёмондан, ростни ёлғондан ажрата билмоғи лозим. Аждодлар меросидан фақат фахрланмиш эмас, балки уни ривожлантириш ва янада бойитиш даркор.

Ёшларимиз қалбига бугунги ҳаёт ҳақиқатини тўла синдиришимиз зарур. Ўзлигини, аждодлари қилмигини теран анлаган ёшлар хар хил бузғунчи гоғлар таъсирига тушмайди. Фаразғўй қимсалар ортидан қўнқўрона эргашмайди. Фикри, онглу шуури тоза бўлади, эл-юрт тинчлиги, фаровонлиги учун ўзининг ҳам масъулияти борлигини ҳис қилиб яшайди.

Истиклол йилларида қўнлаб эзгу, улғу ишларни амалга оширидик ва оширмоқдамиз. Юртимизнинг хар бир фуқароси бу жараёнинг фаол иштирокчисига айланмоғи керак, деди Ислам Каримов. Фарзандларимизнинг ҳеч қимдан ҳам бўлмай яшати учун барчамиз ўз хиссасини қўшмоғимиз лозим.

Норали ОЧИЛОВ,  
Ўза мухбири.

Шеър шахнинг юрагидан бини бўлади. Ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг бизга мерос қолган боқий шеърлари, дostonу газалларида унинг инсонпарварлик гошлари, юксак шахси бўртиб туради. Махтумқули, Абай, Огаҳий, Бердақ каби улуглар, Ойбек, Фафур Фулом, Жўлмирза ога, Шайхзода, Миртемир каби устозлар ижодида ҳам шуни кузатиш мумкин.

Етмишинчи йилларнинг охирида таниқли шоир Тилеуберген Жумаурастовга хизмат сафаридида ҳамроҳлик қилган эдим. Ушанда жаҳоирларга тўла гор ичига тасодифан кириб қолган Оловиддин ҳолига тушганман. Ҳассос шоир, Умар Хайём рубойларининг моҳир таржимони айтган ҳар бир сўз, ҳар бир ибора чуқур маъно, фалсафага бой эди. Биз Тилеуберген ога билан «Қиличчиноқ» ширкат ҳужалигидаги табойда тонгача сўхбатлашдик. Табиийки, мен Фафур Фулом, Собит Муконров, Берди Кербобоев каби улуглардан неча бора мақтов эшитган аjoyиб қорақалпоқ шоирининг ўзи, асарлари тўғрисида илқ гаплар айтишга уриниб кўрдим. Шунда Тилеуберген ога:

— Мени кўявер, болам. Ана Ибройимни қанча гапирсанг арзийди. Йигирманчи асрнинг ҳақиқий Ажиниёзини тингламоқчи бўлсанг, унинг олдида бор, — деганди. Яширмайман: «Сулв Марқария»дек шеърый роман ёзган Тилеуберген ога унчамунча ижодкорни том олавермайди. Лекин Ибройим Юсупов ҳақидаги шу гапнинг ўзидек шоир ижодида берилган юксак баҳо бўлди.

Орадан анча йиллар ўтиб кетди. Қизилқумдаги Сипали яловиди қорақалпоқ чоғдорлари қирқ ўтов тикиб анжуман ўтказдилар. Битта ўтов қорақалпоқ адабиётининг икки бой-тегаги — Тулепберген Қайип-

мен бормайман. Гул ва ёшан ҳиди анқиб турмаси, Ул ерда мен қорақалпоқ бўламан... Кейин шоир ўткир ҳиди анқиб турган ёшанга эгилди. Чуқур ўйга толди. Мен чексиз-че-

қора сочлари елкаларига шалодадек оқиб тушган аёллар келди. Шоир билан ўтовимиз томон юрар эканмиз, икковимиз ҳам сеҳрлангандек қотиб қолдик. Қаршимиздан қалин, қора сочларини елкасига ёйиб юборган, кулгичлари ўфқдан бош

— Сахро булбулининг олди-дан сахро париси эмас, албатта, қўшиқчи чиқади! — деди таманно билан. Яна шеър ҳақида, қўшиқ ҳақида баҳо бошланиб кетди.

Ибройим ога билан неча бора шеърят ҳақида сўхбатлашган бўлсам, у кишининг бир томондан Жиян Жиров, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ, Ўташ, Гулмурат, Сафур, Аббоз, Содик, иккинчи томондан Эса Навоий, Низомий, Фирдавсий, Пушкин, Данте, Абай, Махтумқули, учинчи томондан Фафур Фулом, Максим Танк, Қайис Қулиев, Ўлжас Сулаймонов, Абулла Орипов, тўртинчи томондан Жўлмирза Оймурзаев, Тилеуберген Жумаурастов, Тўлепберген Мамтмуратов, Тўлибой Қобулов, Улмабет Хўжаназаров, Гулистон Матёқубова, Абилоксим Утепбергенов, Набийра Тўрешова ва бошқалар ижоди ҳусусида нақадар эҳтиром билан сўз юритганига гувоҳман.

«Ибройим Юсупов — фалсафий шоир. У ўтмиш доно шоирлари каби ҳикматли сўзга бой, — деб ёзда таниқли мунчақид Иброҳим Фафуров. — Шундай сўз айтишга доим шай. Унинг доноликлари, насиҳатлари гашага тегмайди. Аксинча, юракнинг яхшиликка доимо ўч бўлган бир ерида хушбахт акс садолар беради!»

Замонамизнинг забардаст кўйичиси анча йиллар бадий маҳорат, фалсафий юксакликнинг ана шу чўққисиди туриб кўзлаган соҳир манзилларини забт этиш насиб этсин. Унвон муносабат бўлсин, азиз устоз!

Янгибой ҚўҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Айни дамларда юртимиз истиқлолнинг кутлуг шўққи билан яшамокда. Бутун мамлакатимиз бўйлаб кўтаринки байрам кайфияти кезиб юрибди. Энг азиз, энг улуг байрамимиз арафасида мамлакатимизга кўллаб хорижлик меҳмонлар ҳам ташриф буюришган. Мухбирларимиз улар билан учрашиб, юртимиз ҳақидаги фикрлари билан қизикди.



### Осойишта юртада бунёдкорлик барқарор

Саид Искандар (Афғонистон).

— Мен ўтган асрнинг 90-йилларида Москва Давлат халқаро муносабатлар институтида тахсил олган пайтида Тошкентга келганман. Очига, ўша пайтадаги шаҳар билан унинг ҳозирги кўринишида осмон билан ерча фарқ бор. Бу ердаги осмонлар бинолар, кенг ва ёруғ кўчалар, сўлим оромгоҳлар ҳар бир хорижликнинг ҳавасини келтиради. Мен бунинг сабаби, Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик ҳукм сураётганида, деб биламан. Тинч юртдагина мана шундай бунёдкорлик, мана шундай катта ўзгаришлар қилиш мумкин.

Энг муҳими, ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги, инсонпарварлиги, янгиликка интилиши бу заманининг жаннатмонанд ўлкага айланишида муҳим омил бўлди, деб ўйлайман.

Нам Ван Ху (Жанубий Корея).

— Мен мамлакатингизга сайёҳ сифатида келдим. Дўстларим билан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги тарихий обидаларни кўриб ҳайратга тушдим. Ўзбек халқи мана шундай тарих ва маданиятга эгаллиги ҳар қандай ўлмас таассурот қолдирмай иложи йўқ. Уларни асраб-авайлаб, янада ободонлаштиришга катта эътибор қаратаётганларингиз таҳсинга сазовор. Насиб бўлса, яқин орада бу ерга оилам билан келишни режалаштираман. Уларнинг ҳам бундай аjoyиб юрт билан яқиндан танишишни хоҳлайман.

Андрей Баранов (Россия).

— Биласизми, мен юртингизга илк бор келганимда ёш бола эдим. Ушанда ота-онам тарихий сифатида Ўзбекистондаги қадимий манзилларда тадқиқотлар ўтказиш учун келишганди. Узимча, катта бўлсам, албатта, бу ерга яна қайтиб келаман, деб дилимга тугиб қўйгандим. Мана орзум ушaldi.

Кеча Мустақиллик майдонида сайр қилдим. Шаҳарда байрамона кайфият ҳукм сураётгани менга ҳам ўзгача кайфият бахш этди. Ўзбекларнинг меҳмондўстлиги, бағрикенглиги ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Мамлакатингизга тинчлик, осойишталик тилайман. Мустақиллигингиз абадий бўлсин!

Эрик Томсон (Швеция).

— Мен кўллаб хорижий мамлакатларда бўлганман. Ҳамма халқнинг ўзига хос характери, миллий ўрф-одатлари, анъаналари бор. Ўзбеклардаги бу ўзига хослик дарров кўзга ташланади.

Мана, Ўзбекистон халқи катта байрам арафасида. Мамлакат миқёсида шўққили олар кезиб юрибди. Бунинг фўқароларнинг юз-кўзларидан ҳам билса бўлади. Мустақиллиқнинг қадрига етдиган, эъозлашдиган бундай миллат ер юзиди ҳам учраса керак. Байрамни куттиб олишга тайёргарлик мамлакатингизнинг бутун шаҳар ва қишлоқларида қизгин давом этаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Хали бирор давлатда байрам бунча кенг нишонланишини кўрмаган эдим. Шундай дамларда ўзбек халқи билан бирга бўлганимдан жуда мамнунман.

Фридрих Шульц (Германия).

— Ўзбекистонда Мустақиллик байрамининг кенг нишонланишини ўтган йили Туркия телеканалларидан бири орқали томоша қилганим. Байрам сахнасининг безатилиши менга жуда ёқди. Чўққиларда миллий анъаналар ва замонавийликнинг уйғунлашиб кетиши жуда чиройли ҳолат касб этган.

Сеvara Назархон, адашмасам ўзбек хонандаси эди, шекилли. Ҳая, бизнинг радиоларда унинг қўшиқларини кўп беришди. Унинг ўзбекистонлик эканлигини ўшанда билганман.

Ўзбеклар жуда меҳмондўст халқ. Мустақиллик майдонида ўтказиладиган байрам тантаналарида қатнашиш учун менга ҳам таклифнома берилди. Энди телевизор орқали эмас, тўғридан-тўғри байрам томошаларини кўриш имконияти туғилганидан бахтиёрман.

Салим ДОНИРОВ ва Юнус БУРОНОВ сўхбатлашди.

### Ўзбекистон Қаҳрамонлари

# САҲРО БУЛБУЛИ

бергенов билан Ибройим Юсуповга тегди. Уларга дастёрлик қилиш менинг чекимга тушди. Ой Қизилқумнинг бир ўфики устида барқаш каби товланиб турган тунда Ибройим ога билан узоқ кездик. Шеърят ҳақида, ижод ва ҳаёт ҳақида узоқ сўхбатлашдик. Устоз Фафур Фулом, Зулфия, Миртемир, Расул Ҳамзатов ва бошқа улкан шоирлар билан учрашувлари тўғрисида самимиёт, соҳиллик билан сўзлайвердик. Орада Бердақдан, Ажиниёздан, ўз ижодидан шеърлар ўқиди. Бир-икки соат ором олиб тонг оқарганда яна гўзал сахро сўкмоқларида айландик. Ёшанзорга етганимизда устоз тилдан-тилга кўчиб юрган машҳур сатрларини ўқиди:

Бир ёғим сув, бир ёғим чўл бўлмаси,  
Жаннат қуриб берсанг ҳам,

гарасиз биёбонга боқиб кўз олповди фарзанд доғи бағрини ўртаган онда ёшанга бошини эгиб оғир-оғир хаёлларга

кўтарган қуёш нурларида жозибали ўйнаган соҳибжамол — ёш «Тумарис» қадамлаб келар эди. Қуёш нурлари кўзимизга тушгани учун дарҳол танимабдим. Келиб саломлашгач, хўшовоз қўшиқчи, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Туркманистонда ҳизмат кўрсатган артист Мирзагул Сафоевани кўриб иккаламиз ҳам қулиб юбордик.

— Ибройим Юсуповга Ўзбекистон Қаҳрамони унвонининг берилганлиги ҳаммамизни қувонтириб юборди, — дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Жуманазар Борбоев. — Ана шу кутлуг қўнлар арафасида у «Хар кимнинг ўз замони бор» деб номланган аjoyиб китоби ва «Ватан тўроғи» лиро-эпик асарини китобхонларга ҳавола қилдик, бу унинг ҳали ҳам сарбанд ижод чўққисиди эканидан далolat.



чўмган Тўмарис момомизни эсладим. Шоир қаламига мансуб аjoyиб асарлардан бири — массагетлар достони наинки қорақалпоқ адабиётида, балки бутун туркий халқлар адабиётида ноёб жаҳоирлар сирасига қиради.

Утирибди Тумарис униси,  
Қалин сочи елкага ёйди...  
Хар гал бу сатрларни ўқиганимда кўз олдимга қалин, қоп-

— Келиним, биз сени сахро парисими деб ўйлабмиз! — деди Ибройим ога. (Қорақалпоқларнинг бир юз ўн тўрт уругида икки бетакорр анъана бор: биринчиси — ўз уругига мансуб аёлларни ё опа, ё сингли деб санайди, иккинчиси — ўз уругининг йигитларига эрга теккан аёлларга ўта ҳурмат билан муносабат бўлади). Мирзагул ҳам бўш келмади:

## ...Қари келса — ошга

Кўп йил бўлди, гулқиллоқлик Турсунбой Бойматов кўлтиқтаёққа суяниб қолган. Бирок ҳаётини доимийликда, Чўнки ёнида суянигчи — камари бор, оғир унглини биргалашиб енгиб келаяпти. Отанинг яна бир ишонган тоғи ижтимоий хизмат ходимларидир. Улар қуну-қунора келиб, қолкампирининг ҳол-аҳволидан хабар олишади.

Дарвоқе, сўнгги пайтларда отанининг турар жойи ҳам эскириб, нурай бошлаганди. Бунинг хондонга тез-тез кириб-чиқиб юрган маҳалладошлар эътибордан четда қолдиришмади. Кўллашиб, маслаҳатни бир жойга қўйишди. «Янгилаб берасан-чи», дейишди. Бу гапдан биринчи ғуруҳ ногирони Турсунбой отанинг, кампири Раҳима хонанинг қалбига қувонч инди.

Кўп ўтмай хайрли иш бошланди. Маҳалладошлар хашарга бел боғлашди. Тумандаги 148-кўча механизациялашган жамланма хомийликни зиммасига олди. «Шарқ юлдузи» ширкат ҳўжалиги эса ўн минг донга гишт ажратди. Ешланглар навбати билан лой қориб, девор кўтарди. Эшик-дараза ўрнатиб, том ётди.

— Уй тўйини ҳам ўзимиз ўтказиб берамиз, — деди қурилиш уювчиларини арафасида маҳалла оқсоқоли Муқимжон Қорабоев.

Кўни-кўшиқлари «Уй муборак, тўй муборак!» дея қўтловга келишганидан отанининг ўқсик кўнглини зил-замбилдай босиб кел-

### Меҳр кунда керак

бор ва ғамқўрлик билан қуршаб олинган. Туман ҳокимлиги, ижтимоий таъминот бўлими томонидан бириктирилган ҳомийлар 638 оиланинг холидан мунтазам хабар олиб туришибди. Йил бошидан бўён муҳтож фўқароларга 25 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Маҳаллар аёлли ҳам қараб туришгани йўқ. Уй-жойларни таъмирлаш, тўй-маъракаларни ўтказишда камарбастлик қилишяпти. Бултур истиқлол байрами арафасида Қумдон маҳалласида яшовчи Анатолий Молотовга уй қуриб берилганди. Бу галги байрам эса,

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



## Иқтидорли ёшлар — келажакимиз

Йилдан-йилга билимли, иқтидорли ёшларимиз кўпайиб бораётгани истиқлол берган имкониятлар тўғрисида. Қарши шаҳридаги иқтисодий коллежда ҳам келажакимиз таянчлари тахсил олмоқда. Сайёра Самадова уларнинг олдинги сафарларида.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Бу кун ўзим билан «ўзим» диллашгим келди. Боиси... Боиси — бу кун тўроғи кўзга тўтиб, таърифи беҳис, жондан азиз Ўзбекистонимиз — Ватанимизнинг мустақиллигига етишган кун.

Улуг донишмандлар Ватанга энг муносиб таъриф излаганда, уни она сиймосига қиёс этишларида катта маъно бор. Она ва Ватан сўзлари беҳиз бирга, ёнма-ён қўлланмайди. Зеро, оналарни қанча улугласан, Ватанимизни шунча эъозлаган, кўлларга кўтарган бўламиз. Ахир азиздан бир ҳақиқат маълум-ку, ҳар қайси жамятининг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Дунёдаги барча гўзалликлар аёлларга бўлган муҳаббат тўғрисида излаб келади.

Бир эслаб кўрайлик. Утмишда ота-боболаримиз аёлларга нечоғли юксак эҳтиром, қиёси йўқ меҳр-муҳаббат кўрсатишган. Амир Темур бобомиз келинига қўл кўтаргани учун шаҳзода Миронсоҳни жазага буюрган. Мирзо Бобур опаси ҳузурига неча нақирим берида отдан тушиб яёв борган. Шоҳжон ўз ёри учун гўзал ёдгорлик қурдирган. Буларнинг бари Аёл-Она-Ерга бўлган иззат-эҳтиром, меҳр-муҳаббат ифодасидир. Халқимизга хос бу қадрият — аёлни эъозлаш, қадрлаш, унинг оила, жамятдаги маънасини ошириш истиқлол йилларида янада аққол сезилди. Шунинг учун булар билан алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси МДХдаги мамлакатлар, бошқа ривожланган мамлакатлар ичида

## Аёл улугланса...

эди. 1998 йил «Оила йили», 1999 йил эса «Аёллар йили» деб беҳиз белгилангани йўқ.

Аёллар эҳтими, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. «Аёлни улугламоқ оилани, Ватани, ҳаётни улугламоқ» эканини Юртбошимиз ҳам таъкидлаган, биз ўз маънавий ҳаётимиз ва келажакимизни қураётганда миллий қадриятларимиз бўлиши оилани асосий таянч деб билишимизни уқтирган эди. Шу тариқа кўп сабобли ишлар амалга оширилган жараёнининг мантйқий давоми сифатида 1999 йил бошида Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, аёлнинг оғирини енгил қилиш, аҳолини яхшилашнинг янги имкониятларини белгилаб берадиган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, унинг ҳар бири заманда хотин-қизлар ижтимоий манфаати ётарди. «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини қўлайлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ута зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида»ги қарори, бундан ташқари, «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғри-

### Эъоз

сида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳам аёлларга давлат томонидан яратилган шарт-шaroит эди. Фармон, Қонун ва қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар бир-бирини тўлдирарди. Улар аёлларга қатор имтиёзлар кўрсатилгани билан аҳамиятли эди. Булар, табиийки, хотин-қизларнинг меҳнатини енгиллаштирди, фарзандлари билан кўпроқ бирга бўлиш, уларга эътибор бериш учун қўшимча имкониятлар яратди. Бу йилнинг Аёллар йили деб номланганининг асосий моҳияти ҳам шунда эди. 2000 йилнинг «Соғлом

маъкул келади. Бунинг амалий маъноси шундан иборатки, биз «Соғлом авлод йили» деб номлаган 2000 йил мубайнида қилган барча эъзу ва сабобли ишларимизни янги йилда ҳам давом эттиришимиз зарур», деган эди Юртбошимиз. Дарҳақиқат, шундай бўлди. Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар йиллари бағишлаб қабул қилинган Давлат дастурлари ҳаётга кенг татбиқ қилинди. Мухими, занжирмисол, бир-бирига боғлиқ бўлган соғлом авлод, соғлом оила, соғлом жамят гоёси амалга оширилди.

Мустақиллик том маънода давлатимиз, жамятимиз ҳаётида кенг қўламли уйғоношлар даврини бошлаб берди. Бундай туб ўзгаришлар ҳурриятнинг илк кунидан бошлаб бугунги кунгача аёлларимиз тақдирини, янги авлод тарбиясида ҳам мунтазам рўй бераётгани ҳақ гап. Жорий йилда Юрт-

бошимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. Вазирлар Маҳкамасининг ана шу ҳусусидаги қарори аёлларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш учун янги имкониятлар яратди.

Шиддаткор асримиз, воқеаларга тўла ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришлар бу кун аёл, аввало, ўзи, ўлиги учун, фарзандларига ибрат-намуна бўлиш, уларнинг тарбияси, камоли учун ҳам ижтимоий фаол бўлиш шартлигини ўқитяпти. Бунинг ҳаёт тасдиқлаяпти. Зеро, аёл улугланса, жамят ривож топади. Аёл улугланса, оила бахти бекам бўлади. Аёл улугланса, фарзанд баркамол ўсади. Жамят таянчи ҳам асли шу...

Мен ўзим билан «ўзим» диллашиб, илк сабоғимни ифтихор ила истиқлол ва аёл мавзусига бағишлашни ниёт қилдим.

Тошкентдаги 70-мактабда ўқитувчи ДИЛФУЗА ГАНИЕВанинг диллашуви оқсоқчирувчи Умида ФАЙЗИЕВА.

### Бизни кутлашди

Александр ВЕШНЯКОВ: Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссиясининг раиси:

— Ўзбекистон Мустақиллиги кунини арафасида мустақиллик мамлакатинингизнинг ҳар бир фўқаросига манфаат келтиришига тилақдошман. Кенг ва мураккаб дунёда хайрихоҳ ва душманларимиз борлигини англаб, биз қўшни сифатида бирга қучли бўлишимизни, истардим. Мамлакатларимизнинг келажаги ва гуллаб-яшнаши ҳар биримизга боғлиқлигини англаш муҳимдир.

Александр РАР — сибсатшунос, ташқи сибсат бўйича Германия жамяти дастури директори:

— Ўзбек халқини Мустақиллик байрами билан табриқлаб, бахт, тараққиёт ва юксалиш тилайман. Бугунги кунда Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга эришди ва минтақада муҳим ўрнини эгаллаб келмоқда.

Бу йил Ўзбекистонда содир этилган террорчилик воқеалари германиялик сибсатшуносларни ҳам таъшишга солмоқда. Диний ақидапарастлар томонидан цивилизациялашган мамлакатларга қарши режали уштирилган ҳужумлар биринчи ходиса эмаслигини ҳамма яқши тушунади.

Шунинг учун бошқа кўллаб масалаларда, ҳусусан халқаро терроризм билан қурашда Германия ва Европа Иттифоқи истиқболда Ўзбекистонга террорчилик ва диний ақидапарастликка қарши изчил қурашувчи мамлакат сифатида суянади. Уйлаيمانки, хавфсизлик масалаларида ва иқтисодий соҳада икки томонлама алоқалар изчиллик асосида ривожланади, немис бизнеси Ўзбекистон бозориди фаол иштирок этади ва мамлакат иқтисодиётига салмоқли сарможа қўяди.

Ал САНТОЛИ, АҚШ ташқи сибсат кенгаши биринчи вице-президенти:

— Ўзбекистоннинг 13 йиллик мустақил ҳаёти даврида катта ишлар амалга оширилди, деб ўйлайман. Айниқса, Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши қураш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Халқаро аксил-террор коалициясининг Афғонистонда террорчилик ўқуқларини йўқотишга қаратилган ҳаракатларининг самарали бўлишида Ўзбекистон катта ҳисса қўшди. Сир эмас, бугун ҳам айрим террорчи ва диний-экстремист қўнлар Марказий Осиё тинчлигини бўзишга уринмоқда. Шундай бир шaroитда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистон муҳим рол ўйнайди.

«Жаҳон» АА

...Кеча Нурхон синглим Китобдан гап топиб келди: Отам Равотдаги ҳовлимиз этагида икки йилча аввал кетмонини йўқотиб қўювди. Укам гул кўкартираман деб лойҳандақдан тупроқ қовлаб олаётса, кўкариб қолган бир кўчатни кўриб қолибди. Ҳовлиқанидан отамни чақириб «Кетмонингиз гуллаб қопти-ку, яна бир-икки йил кўрмасак, билмадик, нима бўларди» деб кулармиш... Отам дунё кўрган одам эмасми, укамнинг елкасига қўлини қўйиб «Э, болам, нимасини айтасан, бу тупроққа дуо кетган-да, агар лоф бўлмасин, олтин эксанг олтинам кўкараверади. Кетмон гуллаптим, демак, юртда яхшилик кўп бўлар экан» деб кулиб қўйибди...

ганлар ҳам, керак бўлса ярим йўлда чалғитишга уринаётганлар ҳам, ҳатто узоқни кўра олмаётган юртдошларимизни йўлдан урганлар ҳам чиқди-ку. Энди-чи? Биз катта йўлга чиқиб олдик, бошқа йўл йўқ эканлигини Юртбошимиз кўп бора

# Ватаннинг сурати

«Хуррият дафтари»даги битиклардан

Нурхон кўрмаган-да, бўлмаса бу воқеани ҳайрат-ла тўлиб-тўлиб менга айтиб бермасди. Мен эса... унга изоҳ бермадим. Бундан уч йилча бундан деновлик Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаевнинг айтган гапи эсимга тушди. Ушанда Иброҳим ака билан кун бўйи дала айландик. Гап орасида қаҳрамонимиз раҳматлик Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далаларини ўқиб, қаттиқ таъсирланганини айтиб берди. «Шунча йил даладашда юриб, Тоғайчалик деҳқоннинг бошидан кечган захматларни англамаган эканман. Нимасини айтасиз, шунча йил саробга ишониб юрибмиз-да. Қаранг, хув тоғлар этагидаги қишлоқларни. Кечқурун қураганга қайси бир шаҳарча экан, деб ҳайрон бўласиз. Худди шу қишлоқлар кейинги ўн йил орасида қаддини ростлади. Хозир ишлашни билган одам яшашини ям эплайпти. Деҳқоннинг елкаси кун қурганини менадан сўранг. Балки бу гапларим бировларга эриш туюлар. Лекин бу кунларнинг қадрига етмасак, айниқса, болаларимизга Ватаннинг, юрtnинг нечоғли азиз эканлигини юрагига сингдирмасак эртага кеч бўлади. Бўлмаса ким уйловди, агар аввалги замон бўлганда мендай бир оддий деҳқон Ватанимизнинг шундай

юксак мукофотига лойиқ кўрилардим...» дея гурун берди-да, ўз даласидаги анча буй чўзиб қолган бир кўчатнинг олдига етаклади. Менга қараб «Қани айтинг-чи, манави қанақа дарахт?» деб сўради. Елка қисдим. Иброҳим ака кулиб юборди-да, «Ҳа, елкаларинг кетмон кўрмаган-да, бўлмаса менадан олдин ўзимизнинг жайдари тол-ку, деб юборардингиз», дея кўкариб кетган кетмон дастаси воқеасини айтиб берди. Ва гурун охирида ҳали Нурхоннинг отаси айтган жуда оддий ҳақиқатни Иброҳим ака яна бир бор эътироф этди: «Ўзбекистоннинг исталган ерида гул кўкаради. Гоҳи уйлаб қоламан: Еримизда бирон ҳикмат бормикан? Дўппини бошдан олиб, бу ўхшашликнинг мағзини чақидатган бўлсак, бир ҳақиқат аён бўлади. У ҳам бўлса бизнинг одамлар ўз туғилган тупроғи, гўшаси билан сингишиб, илдиз отиб биллашиб кетган экан. Демак, шу азиз Ватанга тақдиримиз, қисматимиз билан чамбарчас боғланган эканмиз, унинг ҳар қарич ери ҳам, қасру кўргони ҳам, боғу бўстони ҳам, шавқату шони ҳам, керак бўлса сиз учун ғайритабиий, мен учун эса жуда оддий бўлиб туюлаётган мана шу далаю кетмони ҳам ўзимизники...

...Хўжайилик оддий муаллима Парвоз Яҳёева икки йилдан бери айна мустақиллик байрами арафасида мени олис Оролбўйига таклиф қилади: «Телевизор орқали ҳар йили Тошкентдаги байрам тантаналарини кўриб суюниб ўтираемиз. Лекин бизнинг тарафларда бу улғунинг шукухи жуда ўзгача бўлади. Бир келсангиз ўз уйидаги, қолаверса, ўзим ишлаётган болалар масканидаги ўн уч ёшга тўлган болаларга атаб экилган ўн уч йиллик чинорларни кўрсатар эдим...» Парвоз опанинг ҳайратини фақат ўзигина ҳис қила олса керак. Нега десангиз, айримларга бундай гаплар сал галатироқ туюлади. «Нима қипти, бир чинор ё гўжум экан бўлса, сувини қуйса ўсаверади-да», дегувчиларга у кишининг ўз жавобиям тайёр: «Тўғри, ўн уч йилнинг кадр-қимматини ўн учга кирган болакай балки билмас. Ва бунинг учун уни айблашга ҳаққимиз ҳам йўқ. Лекин биз - кеччаги кун ҳавосини олганлар, яъни дунёни фақат битта ранда кўрганлар асл ҳақиқатни айтишга энди. У кунлар ўтиб кетди. Бироқ ҳали олдинда катта ҳаёт имтиҳонлари турганини ҳаммамиз ҳам сезаялпимизми? Чунки бу йўлда бизни кўролмаёт-

қайта-қайта таъкидлаётганлариди ҳам ҳикмат бор. Мен сизга таърифлаётган чинорларимизнинг ҳар шохю баргида шу тупроқни Ватан биллиб, эртанги кунларга умид кўзини тикканларнинг асрий орау-армонлари бор. Яхшиси, минг эшитгандан кўра бу ёқларни бир марта кўриб кетинг. Ана шунда бизнинг қорақалпоқлар кўнглидаги ВАТАННИНГ СУРАТИ қанчалар улкан ва улғулгини билардингиз...»

Парвоз опа кечаям кўнғироқ қилди. Энг азиз ва муборак кун билан кутлаб, шу бахонада кўнглидан кечган самимий туйғуларини эл-юртга етказиб қўйишимни сўради.

Мен эса унинг бу гапларини қандай бўлса шундайлигича дафтаримга кўчириб қўйдим...

Азиз ватандошим! Бу ёзувлар мен бундан 13 йил аввал тутган кадрдон «Хуррият дафтари»даги айрим битиклар ҳолос. Билмадим, бундай унутилмас хотиралар, ҳаётий воқеаларга балки сиз ҳам ҳар кун, ҳар лаҳза гувоҳ бўлаётган-дирсиз. Балки сиз ҳам уларни бировга сездириб-сездирмайгина ўз кўнгли дафтарингизга ўчмас бўлиб муҳрлаётган бўлсангиз не ажаб!..

Норқобил ЖАЛИЛ.



Юртимизда қўли гул ҳунармандлар талайгина. Хонқа тумани, Мадир қишлоғида истиқомат қилувчи уста Сапарбой Аллабергановнинг шогирдлари билан ясаётган тандирлари таърифи республикамиз ҳудудидан чиқиб хориж юртларгача етган.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

## Болаларга байрам совғаси

Мустақиллик байрами арафасида Хазорасп туманидаги Хоразм ширкат хўжалиги ва Богот туманидаги Тошкент ширкат хўжаликларида болалар спорт мажмуалари ишга туширилди. Ҳар иккала спорт мажмуасида 450 нафар ўғил-қизлар бир вақтнинг ўзида спортнинг 8 тури бўйича шуғулланишлари мумкин. Тўлиқ жиҳозланган мажмуалар спорт анжомлари билан болаларга чинакам байрам совғаси бўлди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Янги савдо мажмуаси

Эллиққалъа тумани марказида «Гулдурсун-савдо» масъулияти чекланган жамиятига қарашли янги савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди. Унда саноат, озиқ-овқат, хўжалик билан савдо қиладиган пивильонлардан ташқари, тантаналар ўтказишга мўлжалланган мухташам зал, ёшлар кафе-феси мавжуд.

Шу куни «Тозабоб» қишлоғида янги спорт мажмуаси ва «Аширтом» мавзесида янги қишлоқ врачлик маскани бинолари ҳам эллиққалъаликлар ихтиёрига топширилди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Олимлар ва педагоглар меҳнатини баҳолаш мезонлари


«Илмий педагогик кадрлар аттестацияси (ҳолат, муаммо, истиқболлар)» китоби босмадан чиқди. Унинг муаллифи техника фанлари доктори, профессор Мухсинжон Мухиддинов.

Мазкур қўлланмада, илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш аҳоли таҳлили, унинг асосий қирралари ва йўналиш-

ри баён қилинган. Кито-ба диссертация мавзулари мониторинги, аттестация ишларини қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш қоидалари тизимлари Ўзбекистонда биринчи бор ишлаб чиқилганлиги ҳам акс этган. Шунингдек, замонавий компьютер технологиялари диссертацияларни

текширишда қандай қўл келаетганлиги, уларни кўриб чиқиш тартибларининг махфийлигини таъминлаётганлиги ҳам кўрсатилган. Ушбу қўлланма олий таълимнинг илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида ишловчи ходимлари ва мутахассислари учун мўлжалланган.

Ўз мухбиримиз.



Акциядорлик тижорат

# «ПАХТА БАНК»

Ўзбекистон халқини, ўз  
акциядорлари ва тижорат-  
ларини, барча ҳамкасб-  
ларини республикамиз

## Мустақиллигининг 13 йиллик

байрами билан  
субқудудан муборакбод этади!

Сиз азизларга соғлиқ, оилавий бахт ҳамда  
тамақатимиз гуллаб-яшнаши учун олиб  
борилаётган ислохотларни амалга оширишда  
омадлар тилаймиз!

### «ПАХТА БАНК» фаровонлигини калитидир!



### Самарқанднинг ширмон нонлари

Нон — энг азалий ва абадий улугъ неъмат. Шу сабаб юрт тўқинчилиги ҳам унинг мўл-кўллигига қийёсланган. Халқимизда ноннинг увоғини кўзга суриб ардоқлаш бежиз эмас. Неча асрлик тарихга эга Самарқанд нонлари таърифни билмаган киши йўқ. Ўзига хос таъм ва кўринишга эга бундай нонлар тандирларимизни тўлдириб ёпилаверсин.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

### Ғурур

Одам боласи яхши ният, бокира орзулар билан яшаса қандай яхши! У муаллим бўладими, сурув кетидан юрадимни, ҳар туп ғўзаси атрофида парвона бўлувчи деҳқонни, бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Уша яхши ният бокира ўйлар унинг кўнглида бўлса, бас...

бабчи. Ҳаётдан мамнун кишининг юзида кулги бўлади. Кўзида кулги бўлади. Баъзан далада ишлаётганларга зимдан разм соламан. Разм соламан-у, ич-ичимдан хурсанд бўлиб кетаман. Улардаги

турибмиз. Аввал ким эдик? Кейин кимларнинг қош-қовоғига қараб кун кечирдик? Ҳозирда-чи?

Мана шу уч ҳолатни асло унутмаслигимиз керак. Айримлардан баъзан «Истиқлол бизга нима берди?» деган гапни эшитиб қоламан. Менинг жавобим эса шу: у эрк берди! Кўзларни очди! Кўлларни бўшатди! Кадр-кимматимизни танитди! Эҳтимол, мен оддийроқ, соддароқ гапирётгандирман. Унинг таърифи бундан ҳам кўпроқдир.

Истиқлолни юракдан англаб, ёнар сўзимиз, комил фарзандларимиз билан, муҳими, ҳалол меҳнатимиз ва ташаббусларимиз билан унинг ҳамиша барқарор бўлиши йўлида хизмат қилишимиз керак. Негаки, у сизу биз билан тирик. Сизу биз билан унинг қадди тоғдир!

Сулаймонкул Йўлдошев, «Сайхун» фермер хўжалиги раҳбари.

## Эл бағрига шамол теғди!

Асли касбим — икти-содчи. Ўн йилдан буён фермерман. 240 гектар еримиз бор. Ўғилларим, қизлариму келинларим далада ишлашади. 40 нафар сувчи, чопиқчи, механизаторнинг ризку насибаси ҳам мана шу далаларга сочилган.

Бу йил давлат буюртмасидан ташқари 154 тонна бугдой ўзимизга қолди. Унинг асосий қисмини хўжалигимиз аъзоларига тарқатдик. Бундан ташқари, улар ҳар ойда маош олишади. Бугдойдан бўшаган далаларга мош, кечки қовун-тарвуз экишади. Бу экинлардан ҳам мўмайгина даромад келади.

Йилига 40-45 миллион

сўмдан соф даромад ола-япмиз. Шунинг ҳисобига икки йил ичида 52 миллион сўмга учта янги трактор харид қилдик. Мен нима учун бу гапларни айтаяпман? Негаки, юрагимда қувонч бор. Бу қувончимга эса ўз ҳаётдан ризо бўлиб юрган шерикларим сабабчи. Уларнинг усти бутун, қорни тўқ фарзандлари са-

хотиржамлик, мамнунлик менинг ҳам юрагимга кўчиб ўтади.

Биз ўн уч йиллик байрамни нишонлаётган Истиқлолнинг ширин меvasи ҳам аслида атрофимиздаги одамлар қалбидаги мамнунлигу хотиржамлик эмасми? Қўли меҳнатда, дили Аллоҳда бўлган ҳар бир юртдошимиз бугун рўшнолик кўраётганига гувоҳ бўлиб

# «ЎЗДОНМАХСУЛОТ»

акциядорлик компанияси



мамлакатимизнинг барча аҳолисину кутлуғ байрам —

Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги билан самимий кутлайди.

Ҳар бир хонадонга тинчлик-омонлик, фаровонлик, бахту саодат, дастурхонига фрайзу барака тилаймиз.

Серқуёш ҳур ўлкам, мангу бўл омон!


# «Olmaliq tog`- metallurgiya kombinati»

ochiq aksiydorlik jamiyati

O`zbekiston xalqini

Mustaqillik kuni

bilan muborakbod etadi!





**Ташаббус  
бор бўлсин!**

## Олдин — мактаб, кейин — уй

«Мингтепа» фермер хўжалиги бошлиги Ойнахон Раҳматовга фарзандлари ранги қаймоқдай «Дамас» машинасини сотиб олиб беришди. Кейин «Энди уйимизни ҳам яхшилаб таъмирлаб қўяйлик», дейишди. Ойнахон она бу гапга қутилмаганда ғалати жавоб қайтарди: «Қишлоғимиздаги 15-умумий ўрта таълим мактабнинг янги иморати битсин. Мактаб қурилишига ҳиссамизни қўшайлик. Уйни таъмирлаш шундан сўнг бўлар».

Дарвоқе, мактабнинг янги иморати қурилиши ҳақида. Унинг бошланганига 15 йиллар бўлиб қолганди. «Жарқўрган» хўжалиги совхоз бўлди, колхоз бўлди ва ҳатто ширкат хўжалиги бўлди ҳамки, чала қурилишга қўл уришга журъати етмади. Ниҳоят, ҳокимлик бу ишга бош бўлди. Кейин атрофдаги фермер хўжаликлари ҳам қараб ўтиришма-

ди. Жумладан, «Мингтепа» фермер хўжалиги бу хайрли ишга 300 минг сўм пул ажратди.

«Туя гўшти еган қурилиш» деб ном чиқарган мактаб қурилиши ҳозир ниҳоясига етди. У Мустақиллик байрамига тўхта бўлди.

Энди қисқача «Мингтепа» ишлари ҳақида. 70 гектар ери бор. Шундан 42 гектари — пахтазор. 120 тонналик хирмон яратилмоқчи. Хосилнинг чўғи баланд.

— Ражаларимиз бажарилиб, яхши даромад оласак, лизингга иккинчи тракторни харид қиламиз. Қишлоқда хотин-қизлар уйини курамыз, — дейди Ойнахон Раҳматова.

**О. УСАНОВ.**  
*Жарқўрган тумани.*

Мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани мамлакатимизда қобилиятли, зукко, ҳар томонлама етук билимли қизларга алоҳида эътибор қаратилаётганининг ёрқин далили бўлди. Ушбу Фармонга мувофиқ, ҳар йили мазкур мукофотга аъло хулки, ўқишдаги ютуқлари, ижтимоий фаоллиги билан назарга тушган, истиқлол ғояларини амалга оширишга астойдил интилаётган 25 ёшгача бўлган қизлар сазовор бўлаётди. Таъкидлаш керакки, шу ёшгача бўлган қизлар учун Давлат мукофоти дунёнинг ҳеч бир мамлакатидан йўқ. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Биринчидан, қизларни ижтимоий ҳаётга йўналтириш, улар орасидан етук олимлар, шоирлар, фан арбоблари етиштириш бўлса, иккинчидан, қизларнинг интилишларини муносиб тақдирлашдир. Қолаверса, нуфузли мукофот уларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданият соҳасидаги ижодий фаоллигини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилади, десак муболаға бўлмайди. Биргина лауреат минг-минглаб қизлар ичидан танланишини тасаввур қилайлик.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиблари бугун етмиш нафарга етди. Кўпчилиги талаба, шоира, спорт, санъат юлдузлари... Улар орасида мактабда, олий ўқув юртида аъло баҳолар билан таҳсил олаётган, дунёқараши билан тенгдошларидан ажралиб турайдиган келажгимиз эгалари бор. Қувонарлиси, етмиш нафар қизнинг аксарияти оддий деҳқоннинг, қўли қадок пахтакорнинг, камтар муаллимнинг, меҳнаткаш ишчининг билимдон, зукко фарзандидир. Улар ҳукуматимиз ва жамоатчилик эъти-

### Ифтихор



монованинг кўнгиллардан жой олган нафис шеърлари истиқлол шарофати тўғрисида эканлигини ҳеч ким инкор қилолмайди.

Зулфияноним издошларининг турли жабҳаларда эришган ютуқларини ва ижодий фаоллигини кенг тарғиб этиш, изланувчан, ташаббускор, иқтидорли қизларни излаб топиш ва уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишида яқиндан кўмаклашиш мақсадида Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳузурида «Зулфияноним қизлари» клуби ташкил этилди. Фаолиятига кўп вақт бўлмаган ушбу клубда қиз-

## Зулфияноним қизлари

**Мустақиллик ҳар биримизнинг яшашимиз, билим олишимиз, эркин фикрлашимиз учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Дунё мамлакатлари орасида Ўзбекистон деган жаннатмакон юрт борлиги кўпчиликка аён бўлди. Бу истиқлол шарофати, истиқлол берган имконият, аслида,**

борида бўлиб, дунё давлатларининг катта илмий анжуманларида фахр билан эътироф этилмоқдалар.

— Мустақиллик менинг кўксимга 23 ёшимда Давлат мукофоти қадас имконини берди, — дейди бугунги ўзбек адабиётига ўзига хос овози билан кириб келаятган ёш ижодкорлардан Гулжамол Асқарова. — Тенгдошларим сингари орзу-умидларимнинг рўёбга чиқётганидан кўнглим фахрга тўлади. Мустақиллик отабобларимдан фахрланиш, дунёнинг исталган жойида билим олиш, озод ва ҳақ сўзларни айтиш имконини

берди.

Дарҳақиқат, шундай. Истиқлол билан фахрланиш баробарида унинг янада мустақамланишига муносиб ҳисса қўшмоқ керак. Зеро, мустақиллигимизнинг мустақамлиги бугунги ёшларнинг иқтидори, заковатига боғлиқ.

Мукофот соҳибларидан Сайёра Муродованинг илмий ишлари дунё матбуотида эътироф этилаётгани, Мамлакат Улашеванинг ажойиб қўшиқлари халқимиз қалбидан ўрин олаётгани, Наргиза Раҳимованинг турли соҳаларда эришган ютуқлари, Гулноза Сулей-

ларнинг интилиши, изчил фаолияти доимий мониторинг қилинипти, ютук ва ибратли фазилатлари кенг тарғиб этиляпти. Ҳар йили уларнинг асарлари тўплам ҳолида чоп этилмоқда. Бундан айтиш мумкинки, истеъдодли ёшлар ҳаммаша юрт эътиборидандир.

Бугун турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган Зулфияноним қизлари бир мақсад йўлида — шу юртининг келажиги, озод халқининг фаровонлиги учун хизмат қилаётди. Бу истиқлол қизларининг Ватан истиқболи учун қўшаётган ҳиссасидир.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Саноатга Япония гранти

«Ўзбекилачметалл» очик турдаги акциядорлик жамиятига Япония ҳукуматининг гранти топирилди, деб хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири И. Эгамқулова. Бу молиявий кўмак акциядорлик жамияти 1 миллион 927 минг АҚШ долларлик техник ускуна келтириб ўрнатди. Йилга ўн минг тонна хомашёни қайта ишлаш қувватига эга бўлган мазкур технология ёрдамида металл парчалари қайта ишла-

нади. Айни вақтгача Япония ҳукумати томонидан мазкур акциядорлик жамиятига салкам 3 миллион АҚШ долларидан ортик бегараз ёрдам ҳам кўрсатилди.

Тақдимот маросимида иштирок этган Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқуллоҳда ва Мухтор элчиси Акио Кавато Ўзбекистон ҳукумати билан бу борадаги ҳамкорлик келгусида ҳам давом эттирилишини таъкидлади.



Бизни  
қутлашди

**Марк Софер, Исроил ТИВ бош директори ўринбосари:**

— Исроил ҳукумати номидан Ўзбекистон Президентини, ҳукумати ва халқини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллиги байрами билан самимий табриклашдан мамнунман.

Ўзгал мамлакатингиздан кўпгина юртдошларимизнинг Исроилга келиб, ўз маданияти, меҳр ҳарорати ва меҳмондўстлигини биз билан баҳам кўришидан бахтлимиз. Улар Ўзбекистондан ўзлари билан бирга бизни ва жамиятимизни мустақамловчи ўзига хосликларини олиб келишди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон кўпгина яхудийларни нацизм даҳшатларидан қутқарувчи хавфсиз маскан бўлди, Ўзбекистон миллатимизга ўз бағрини очди ва у паҳо мақони бўлиб қолди.

Уйлвйимизки, Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллигида маданият, иқтисодиёт ва сийсат соҳаларидаги ҳамкорлигимиз янада мустақамланади.

**Мухтарам юртдошлар!**

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ  
БАНКЛАРИДАН БИРИ

**Халқ банки**

барчангизни республикамиз  
Мустақиллигининг 13 йиллик  
байрами  
билан самимий муборакбод этади.

Азизлар, хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик,  
дастурхонингизни қут-барақа, қалбингизни қувонч  
ҳеч қачон тарк этмасин.  
Юртимизда тинчлик, осойишталик доимо ҳукмрон  
бўлсин. Истиқлолни мустақамлаш йўлидаги  
ишларингизда куч-қувват ҳаммаша ёр бўлсин.

**Халқ банки — сизнинг  
оилангиз банки!**

**ДАК «Ўрта Осиё транс» ХАН**

Ўзбекистоннинг барча  
аҳолисини улуг байрам —  
Ўзбекистон Республикаси  
Мустақиллигининг 13 йиллиги билан  
самимий ва чин  
кўнгилдан табриклайди!


Сизга эзгулик ва омад, соғлиқ ва бахт,  
мамлакатимиз — Ўзбекистоннинг  
гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик  
фаолиятингизда янгидан-янги  
муваффақиятлар тилаймиз!

**HARRIS**  
assuredcommunications™

Ўзбекистон халқини улуғ байрам—  
Ўзбекистон Республикаси

# Мустақиллигининг 13 йиллиги

билан чин дилдан самимий  
муборакбод этади!



Барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат,  
эзгулик ва фаровонлик, Ўзбекистоннинг равнақи  
ва гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик  
меҳнатингизда янгидан-янги  
зафарлар тилаймиз!

**«HARRIS»**  
корпорацияси

[www.harris.com](http://www.harris.com)



ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК  
ТИЖОРАТ БАНКИ

**«Алл Жамол Банк»**

республикамыз  
халқи  
ва барча  
ҳамкасбларини  
улуғ байрам —


**МУСТАҚИЛЛИК  
КУНИ БИЛАН**

қизгин табриклайди.

Барчага мустаҳкам  
саломатлик, тинчлик  
ва республикамыз  
равнақи йўлида олиб  
бораётган ишларида  
улкан зафарлар тилайди.



AREVA



Қўпшиллатли  
Ўзбекистон халқини  
Мустақиллик байрами  
билан табриклаймиз!

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ — БУ БИЗНИНГ БИЗНЕС  
Биз жаҳон бўйича электр энергияси билан  
таъминлаш борасида бир асрдан ортиқ  
тажриба ва махсус билимларга эгамиз.

T&D

Озодлик ўйлари

Одам боласи пайдо бўлибдики, тинчликка ташна бўлиб яшайди, тинчлик осмонидан нафас олади. Ҳар лаҳза, ҳар тонг тинчлик бўлишини жуда-жуда истади. У тинчликка қуёшга талпингандай талпинди. Тинчликни ота-онасидай, фарзандидай яхши кўради. Тинчлик инсоннинг жони-жаҳонидир. Шу боис у мудом тинчликка таъзим қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

бўлиб кетди. Тарих урушлардан бениҳоя чарчади. Одам нега уруш қилади, нега урушларни ўйлаб то-  
Терроризм кулфатлар занжирига айланди, энг даҳшатли урушларнинг ўчоғи бўлиб қолди. XX аср  
қолмайди, бизни ўз танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди".  
Ҳақиқатан ҳам шундай.

# ТИНЧЛИККА ТАЪЗИМ ҚИЛ!

— Бешиқда ётган гўдакларнинг маъсума кўзларида, беғубор кулгиларида нима акс этган?  
— Тинчлик!  
— Онларнинг ҳар кунги илтижосида, оталарнинг оруз-ниятиди нима мужассам?  
— Тинчлик!  
— Боболарнинг дуосида, момоларнинг алласида айтиладиган биринчи калом қандай сўз?  
— Тинчлик!  
— Тоғнинг улкан чўққисида турган бургутга ҳам, попонларига тумшугида сув олиб учётган қалдирғочга ҳам, сувдаги баллиққа ҳам тинчлик керак. Майсалар, ниҳоллар, дархтарларга ҳам тинчлик зарур. Табиат эса тинчлик билан барҳаб, тинчлик тўғайли гуллаб-яшнабди. Инсон ва тинчлик, инсон ва уруш мавзулари минг-минг йиллик тарих саҳифаларида баҳс қилади, мунозара юритади. Шоир айтганидек, бу икки тўлқин ҳамон курашда:  
Тинчлик — жон дейди,  
уруш эса қон.  
Тинчлик — ҳаёт дейди,  
уруш эса қурбон.  
Тинчлик — меҳнат дейди,  
уруш эса қулфат.  
Тинчлик — обод дейди,  
уруш эса вайрон.  
Тарих урушлардан зада

пади? Нахотки, одам боласи дунёга уруш қилиш, қон тўкиш ва вайрон қилиш учун келса? Тарих ҳали-ҳануз ушбу саволларга жавоб тополгани йўқ.  
Беҳуда тўқилган қоннинг нидосида тинчлик бор.  
Беғубоқ узилган жоннинг нидосида тинчлик бор.  
Урушдан ким фойда кўрди, эй, осий банда,  
Ҳатто бузилган томининг нидосида тинчлик бор...  
\*\*\*  
Агар бешиқ тепасига қарга келиб кўнса, у қағиллаб, бешиқда ётган гўдакнинг тинчлигини бузади. Агар уйга беҳосдан илон кириб қолса, тамом, уйдагилар тинчлигини йўқотадилар. Агар қишлоққа бўри ораласа, одамларнинг тинчлиги бузилиши тайин.  
Агар Ватанга душман кўз олайтурса, юрт тинчлиги хавф остида қолади. Агар душман ўзиндан чиқса, тинчликнинг ҳоли танг бўлади, бундай хавфни душмандан Яратганнинг ўзи асрасин ва ўзи жазосини берсин!  
Ҳар бир даврнинг, замоннинг ўз кушандаси бўлганидек, бугунги дунёнинг хатарли балоси — терроризм номини олди.

— тарихда атом асри деб қайд этилган бўлса, XXI асрнинг бошланиши аллақачон терроризм тамғаси билан муҳрланди. Терроризм — диний экстремистик гуруҳ ҳисобланган "Ҳизбут-таҳрир"ларнинг ашаддий курали бўлиб қолди. Улар бу курул билан тинч дунёни бузишга, тинч шаҳарларни вайрон қилишга, тинч юракларга гулгула солишга таҳдид қилмоқдалар.  
Инсоният бошига ёғилаётган бу кулфатдан Ўзбекистон ҳам четда қолаётгани йўқ. Муқаддас заминимизда террорчи гуруҳлар подаси аввало мамлакатнинг, халқнинг тинчлигини бузиб, шу йилнинг март ва июль ойларига Тошкент шаҳрида қатор портлатишларни амалга оширдилар. Бу хунрезликлар оқибатида қурбон бўлганлар бор.  
Мамлакатимиз Президент Ислам Каримов Ўзбекистон телевидениеси учун берган махсус интервьусида, жумладан, шундай деди: "Ҳеч қандай шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва оқошталликка раҳна сололмайдилар, халқимизнинг иродасини бу-


заҳолат илдириган муҳитда тинчлик кабутирин қуролмайди. Лекин жаҳолат қанчалар ғазаб отига минмасин, қанчалар даҳшат солмасин, бари бир тинчлик шиддатини тўхтата олмайди, тинчликнинг йўлига гов бўлолмайди.  
Мустақиллигимизнинг энг олий неъматларидан бири — бу, шубҳасиз, тинчлик ва яна тинчлик. Тинчлик барқарорлашиб, мустақамланиб борган сари, айрим ҳаётий муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб, жамиятда учрайдиган айрим камчиликлар барҳам топиб бороверади. Президентимиз ҳар бир маъруза ва нутқларида: халқимиз ва юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, деб қайта-қайта таъкидладилар ва Яратган илтижо қилиб сўрайдилар.  
Тинчлик бор экан, миллат юксалади,  
Тинчлик бор экан, юрт обод бўлаверади,  
Тинчлик бор экан, балло-қазо доримайди,  
Тинчлик бор экан, хурлик хатар биламайди.  
Мамлакатимизда бўлаётган улкан ўзгаришлар, барча тараққиётлар замирида тинчлик ётибди. Тарихий обидаларнинг қайта тикланиши ёки таъ-

мирланиши тинчлик тўғайли амалга ошяпти. Шаҳарлар ободлиги тинчликдандир. Ва бу обод, кўркем шаҳарларда яшаш, ўқиш тинчлик билан уйғунлашиб кетган. Қурилаётган рафон йўллари, ҳашаматли кўприклар тинчликка хизмат қиляпти. Кўчаларда одамлар бир-бирларини эмас, гўё тинчликнинг кўлларидан ушлаб юргандай эркин кезадилар.  
Далаларда тинчлик шамоли эсади. Деҳқоннинг, боғбоннинг ва чўпоннинг асосий нияти — тинчлик. Ўзбекистонда тинчлик барқарор ва мустақкам бўлиб борган сари ҳосилнинг чўғи банд бўлади, деҳқоннинг даромади кўпаяди, фарзандлари фаровон яшайди.  
Устим ишо ғазар  
тинчлик ҳақида,  
Қизимнинг дафтарида  
тинчлик сўзи бор.  
Номиндан айланай,  
сени, эй, тинчлик.  
Набирман тинчлик  
кабутирин чизар.  
Ҳар кунги кўшдан тинчлик сўрайман. Ойдан-да, юлдуздан-да, тинчлик бўлишини илтижо қиламан. Тинчлик дарахти хамиша, ҳар доим кўзларни яшнатиб, дилларни яратиб гуллаб туршини истаимиз.  
Дўстим, тинчлик дарахтини аввало ўз қалбига эк. Сўнг ҳовлига, маҳалла ва қишлоғингга эк. Кейин Ватаннинг бағрига экин. Унинг мустақкам илдизлари, улкан шохлари, ям-яшил барглари дунёни тутсин, тинчликсеварлар қалбини забт этсин. Тинчлик тимсолига айлансин!

Тинчлик дарахти!  
Сен ҳуда-беҳудага бу дарахтга тегма, бўлар-бўлмагаси унинг шохларини синдирма, барглари ни саргайторма, беҳуда тўқма. Уни хамиша онангин, фарзандингни, Ватанингни асрагандай кипригингга асра.  
Манеу яшил бўлсин  
тинчлик дарахти!  
Сен ҳам тинчликка талпин, тинчликка таъзим қил! Токи ер юзини тутсин тинчлик руҳи, тинчлик садоси!


Тинчлик дарахти!  
Сен ҳуда-беҳудага бу дарахтга тегма, бўлар-бўлмагаси унинг шохларини синдирма, барглари ни саргайторма, беҳуда тўқма. Уни хамиша онангин, фарзандингни, Ватанингни асрагандай кипригингга асра.  
Манеу яшил бўлсин  
тинчлик дарахти!  
Сен ҳам тинчликка талпин, тинчликка таъзим қил! Токи ер юзини тутсин тинчлик руҳи, тинчлик садоси!

Тинчлик дарахти!  
Сен ҳуда-беҳудага бу дарахтга тегма, бўлар-бўлмагаси унинг шохларини синдирма, барглари ни саргайторма, беҳуда тўқма. Уни хамиша онангин, фарзандингни, Ватанингни асрагандай кипригингга асра.  
Манеу яшил бўлсин  
тинчлик дарахти!  
Сен ҳам тинчликка талпин, тинчликка таъзим қил! Токи ер юзини тутсин тинчлик руҳи, тинчлик садоси!



## Чиниқуш маскани

Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи, чиндан ҳам, истиқлол фарзанди. У Халқ таълими ва Мудофаа вазирликларининг ташаббуси билан 1992 йил июнда ташкил қилинган. Лицей интернат типига бўлганлиги учун ўқувчилар ҳафта давомида шу ерда яшаб, ўқийдилар. Лицейда ўқувчиларнинг юқори савияда билим олишлари учун замонавий фан хоналари мавжуд. Ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида кураш, қўл жанги, оғир атлетика, футбол, бокс каби спорт секцияларида машғул бўладилар.  
Бу билим масканида ҳар ойнак охириги пайшанбаси «Маънавият кўни» деб эълон қилинган. Шу кунги ўқувчилар синф раҳбарлари ва тарбиячилари билан биргаликда «Жасорат», «Ўзбекистон тарихи», «Темурийлар» тарихи давлат музейига, театрларга, ҳарбий ўқув юртлири ва ҳарбий қисмларга саёҳатга боришади.  
Бизнинг асосий вазифамиз ўқувчилар қалбига Ватанга муҳаббат, буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром ҳиссини уйғотишдир, дейди лицей директори С. Аҳроров. Бу эса ўз-ўзидан ёшларни маънавий ва ақлий етук, жисмоний баркамол, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхон қилиб тарбиялашни тақозо этади.  
Дарҳақиқат, бу маскан ёшларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний чиниқиб мактабига айланиб қолганлигига шубҳа йўқ.



СУРАТЛАРДА: лицей ҳаётидан лавҳалар.

Ашурали ЖўРАЕВ.

«Халқ сўзи»  
«Народное слово»

МУАССИСАЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир  
Аббосхон  
УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:  
Э. БОЛИЕВ  
(масъул котиб —  
«Халқ сўзи»),  
П. ДЮГАЙ,  
Ш. ЖАББОРОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),  
Л. КУЧЕРЕНКО  
(масъул котиб —  
«Народное слово»),  
М. МИРАЛИМОВ,  
С. МУҲИДИНОВ,  
Ш. РИЗАЕВ,  
А. САИДОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),  
М. САФАРОВ,  
И. УТБОСАРОВ,  
А. ҲАЙДАРОВ,  
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иқтисодий-сўғий ҳаёт — 133-57-34;  
133-78-92
- Иқтисодиёт — 136-36-65;  
132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Газетчилик ва минтақалар — 133-52-55;
- Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
- Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;  
132-12-08
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
001-рақам билан  
рўйхатга олинган.  
Буюртма Г — 1068,  
22207 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ.  
Қоғоз бичими А — 2.,  
Офсет усулида  
босилган.

Газета таҳририят  
компьютер базасида  
термиал ҳақда  
операторлар  
Ж. ТОҒАЕВ ва  
Б. ФАЙЗИЕВ  
томонидан  
саҳифаланди.

Навбатчи котиб —  
Ю. ҲАМИДОВ.  
Навбатчи муҳаррир —  
Б. ЭҒАМКУЛОВ.  
Навбатчи —  
Р. ЕРЛАҚАБОВ.  
Мусахҳах —  
И. Турсунова.

МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар  
кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми  
5 қозғалдан зинд  
материаллар қабул  
қилинмайди.  
1 — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-  
матбаа акциядорлик  
компанияси  
босмаҳонаси.  
Корхона манзили:  
«Буюк Турон»  
кўчаси, 41.

Босишга топириши  
вақти — 21.00.  
Тоширилади — 23.30  
1 2 3 5 6

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТКНИНГ  
«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аҳолисини республика  
Мустақиллигининг 13 йиллиги  
билан чин дилдан муборакбод этади!

Сизларга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик  
ва бахт-саодат тилаймиз!  
Юртдошларимиз ва мамлакатимиз меҳмонларининг  
компаниямиз хизматидан фойдаланишлари йилдан  
йилга тобора ошиб бормоқда.  
Биз сизлар учун янгидан-янги йўналишлар  
очишдан зоят мамнунимиз.

Биз билан бирга бўлинг!

## Мўъжаз қишлоқ қувончи

Сўх — мамлакатимизнинг гўзал, қадимий анъаналари, урф-одатлари сақланиб қолган манзилларидан бири. Водийдаги энг шўх, серсув дарё номи билан аталадиган тумanning Сарикўрғон адирларидан то Тоён кенгликларигача чўзилиб кетган ўнлаб қишлоқларининг ўз тарихи, урф-одати бор.

Мана бир неча йил-дирки, Сўхнинг энг гўзал гўшаларидан бири Газнобда мустақиллик байрами ўзгача тароват, шукух билан нишонланади. Улар энг севимли, энг азиз байрамга алоҳида меҳр билан тайёргарлик кўришади. Бу йилги тантаналарга эса дилбар гўша аҳолиси қўша-қўша тортиқлар, совағалар билан келишяпти. Масалан, айни байрам кунлари «Мулки парвина» чойхонаси илк мижозларни қабул қилди. Миллий ҳунармандчилик устaxonаси, маший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам ўз хизматлари билан байрамона кайфиятга хушфеллик бағишладилар.  
Буюк ҳиди анкиб турган бу қошоналар маҳаллий тадбиркорлар Бахтиёр Қосимов, Гулнеҳра Маҳбубова, фермерлар Исламбек Дадаев, Файзулла Қўнғировларнинг маблағлари ҳисобига бунёд этилди.

Тиниб-тинчимас фермер Тўрабек Нуриддинов эса қутлуғ байрам арафасида қишлоқдаги ташландик ҳаммомни ўз маблағи ҳисобига қайта тиклади.  
Байрам муносабати билан хожатманд оилалардан бирига «зангори олов» тушириб берилди. Мустақиллик байрами 13 та кам таъминланган оилалар фарзандларининг тўйига ула-ниб кетди. Қишлоқдаги 21-ўрта мактабга «Баҳор» болалар боғчасига янги анжомлар, жиҳозлар тортиқ қилинди.  
Газноблиқлар бу йилги байрамга қутилмаган, фаройиб совага ҳам ҳозир-лашди. Улар олис тоғ қишлоқидан ҳам Пеле ва Мардоналар, Миржалол ва Азаматлар етишиб чиқ-иш орузида яшашмоқда. Бу умиднинг илк чироғи эса ҳамқишлоқлари Фарғона шаҳридаги футбол мактаби тингловчиси Шохрух Жамоловдир. Байрам

кунги бу умидли футболчи-га 100 минг сўмлик спорт анжомлари, қийимлари тортиқ қилинди. Шунингдек, вилоят марказида тах-сил олаётган газноблиқ ҳар бир талабага ҳам 22 минг сўмдан бир марталик стипендия ажратилди. Ахир улғай қишлоқлар орасидаги бутун мамлакатга ёйғамиз деб ҳаракат қилишмоқда.  
Сиз бу тадбирлар қўла-мидан Газноб қамиди ун-минг аҳоли яшайдиган қан-та қишлоқ бўлса керак, деб ўйласангиз, янгилишасиз. Сўх дарёсининг фарбий со-ҳили бўйлаб чўзилиб кет-ган гўшада 2174 нафар аҳоли истиқомат қилади, холос. Лекин заррада қўш акс этганидек, қишлоқнинг мустақиллик тантаналари шукухи вилоят марказида-ги байрам тантаналаридан қолишмади.

Набижон СОБИР,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Маҳаллада гуриллаган тўй

Ангордаги Наврўз маҳалласида Му-стақиллигимизнинг 13 йиллигига бағиш-лаб, бир тўй бўлдики, доврўғи туманга таралди. Маҳалла аҳли ўзларининг гузарларига тўпланди. 14-мактабгача тарбия муас-саси болажонлари шеърлари билан тадбир-да ҳозир бўлганларни байрам билан мубо-ракбод этишган бўлса, Беккам Султонова раҳбарлигидаги фольклор бадийи дастаси ўз маҳоратларини намойиш этишди.  
Маҳалла фуқаролар йиғини раиси То-жибой Зиекулов меҳру муруват, қадият-ларимиз, бирдамлигимиз, оғоҳлигимиз ҳақида гапириб, ёрдамга эҳтиёжманд 10 на-фар кишининг ҳар бирига маҳалла хайрия-си улашди.  
Ҳаммасидан ҳам спорт мусобақалари

қизиқарли кечди. Маҳалланинг иккита во-лейбол жамоаси бор. Бири қариялар, ик-кинчиси ёшлар жамоаси. Қизғин, қариялар ёшлар билан дадил беллашадилар. Хурсан Шомирзаев, Маматқул Раҳматов, Чори Мир-заев, Яшибой Шомирзаев ва айниқса, на-фақачи Жовли Алиқуловларнинг чапдаст ҳаракатларини кўриб, ёшлар ҳам волей-бол тўғарагига ёзилишга тарадудланиб қол-дилар.  
Шахмат-шашка, футбол беллашувлари ҳам эсда қоларли бўлди.  
Маҳалла оксоқоллари тўй охирида юртга тинчлик, маҳалла аҳлига аҳиллик, бахт-са-одат тилаб, юзларига оқ фотиҳа тортидилар.

Ўз мухбиримиз.

O'ZSANOATQURILISHBANK  
Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА  
ЭЪЛОНЛАР  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.  
9.00 дан 18.00 гача  
136-09-25  
132-10-65

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси  
масъул ходим Шўҳрат Гафуровга умр йўлдоши  
МАҲМУДАХОННИНГ  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.